O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**Da'vat**

*Oz-ozdan oʻrganib*
*dono boʻlur,*
*Qatra-qatra yigʻilib*
*daryo boʻlur.*

**Alisher NAVOIY**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 27 март, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 23(7426)

**Ibrat**

**Navroʻz bayrami Bekobod tumanidagi Zafar qoʻrgʻoni yoshlari uchun yanada quvonchli keldi. Ularga bayram tuhfasi sifatida 900 oʻrinli yangi kasb-hunar kolleji foydalanishga topshirildi.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И*

## 2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадларини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи — ойига 3945 сўм;

ёшга доир пенсия — ойига 7800 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 3945 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 7800 сўм;

зарур иш стажига зга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 4725 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2002 йил 1 апрелдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2002 йилги Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатларига тегишли тузатишлар киритсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш базавий фондининг белгиланган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан 2002 йил 1 апрелдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 29 июндаги ПФ-2893-сон Фармони (8-банди истисно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 26 март.

### ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА

**СИЗ ЖЕЙНОВГА БИР КЕЛИНГ**
2-бет

**МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ**
*ёхуд Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 1-мактабда муаллимлар ўзига хос усулда изланишаётганлиги ҳамда "Мактаб посбони" ўқувчилар гуруҳи фаолияти кўпчиликка маъқул бўлаётгани хусусида*
2-бет

**ЎҚИШГА ҚИЗИҚИШ СУСАЙГАНМИ?**
3-бет

**ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИСИНИНГ БИР КУНИ**
3-бет

**БАЙРАМ ХАБАРЛАРИ**
4-бет

**DIQQAT! CHORRAHA**
5-бет

**«ТАЪЛИМДА ҲАМКОРЛИК» ДАСТУРИ САМАРАЛАРИ**
5-бет

**ЭЛИКҚАЛЪА ТУМАНИ «MA'RIFAT» МЕҲМОНИ**
6-7-бетлар

**«НИЛУФАР» СКАНВОРДИ**
8-бет

**ҚОЛГАН ИШ**
HIKOYA
8-бет

**Tanlov**

## ИСТЕЪДОДЛИ ОЛИМЛАРГА ЭЪТИБОР

Маълумки, Халқ таълими вазирлиги томонидан (1998 йил 21 октябрь) республикамизда аспирант, докторант ва илмий изланувчиларнинг педагогика ва психология фанлари соҳасидаги илмий мақолаларининг йиллик танловини ўтказиш тўғрисида Низом қабул қилинган эди. Таъкидлаш жоизки, танлов республикамизда педагогика, психология фанлари соҳасида илмий иш олиб бораётган истеъдодли олимларни намоён этиш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ҳар йили ўтказилиб келинмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида ана шу кўрик-танловнинг бу йилги ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Эксперт гуруҳининг натижаларига кўра, илмий мақолалар кўрик-танловининг педагогика фани бўйича ЎзПФИТИ докторанти Д.Раззоқов 1-ўрин, ЎзПФИТИ докторант-тадқиқотчиси Ж.Мусаев 2-ўрин, ХТХҚТМОИ аспиранти Ф.Тожиева 3-ўрин, психология фани бўйича ЎзПФИТИ аспиранти Ш.Абдуллаева 1-ўрин, Қўқон ДПИ илмий изланувчиси М.Умарова 2-ўрин, ХТХҚТМОИ илмий изланувчиси А.Расулов 3-ўринга лойиқ деб топилдилар. Танлов ғолиблари Низомга мувофиқ ХТВнинг I, II, III даражали махсус дипломлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

**Райҳон ХОЛМУРОДОВА,**
**"Маърифат" мухбири**

# ИНТИЛСАНГ АРЗИЙДИ, БУНДАЙ ЧЎҚҚИГА

**Olimpiada — 2002**

Маълумки, ҳар йили республика умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинадиган умутаълим фанлари олимпидалари ёшларимизнинг илм-фан чўққиларини забт этишларида бошланғич мактаб вазифасини ўтаб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу танловларда ўз билимларини чиғириқдан ўтказаётган ёшларда билим олишга бўлган иштиёқ ошаётганлиги эътиборга лойиқдир. Жорий ўқув йилида ҳам ушбу фан олимпиадаларининг жойларда бўлиб ўтган 3 босқичи ўқувчиларнинг изланувчанлиги, дунё илм-фани сир-асрорларини нақадар теран ўрганаётганликларини кўрсатди.



Бугун ўқувчиларимиз янада ҳаяжонли онлар олдида. Зеро, халқ таъбири билан айтганда, ғалвир сувдан кўтариладиган палла яқин. 24-29 март кунлари бўлиб ўтадиган мазкур олимпиадаларнинг якуний республика босқичида 21 та фан бўйича вилоят миқёсида ўтказилган саралаш баҳсларида ғолибликни қўлга киритган 212 нафар ўқувчи иштирок этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш кераккки, жорий йилда умумтаълим фан олимпиадалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 31 октябрдаги 69-сонли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 31 октябрдаги 9/5 сонли қўшма ҳайъат қарори билан тасдиқланган Низом ва РТМнинг баҳолаш мезонлари тавсиялари тартиби асосида ўтказилади. Унга кўра олимпиадалар сирасига кирувчи айрим фанлар, яъни, барча тиллардан (она тили, рус, инглиз, немис, француз тили каби) ҳамда физика, математика, химия, чизмачилик фанларидан ўқувчилар компьютерда тест саволларини ечиши билан биргаликда амалий топшириқларни ҳам бажаришлари лозим бўлади.

Шу боис, мазкур ҳафтанинг илк кунида олимпиада иштирокчилари пойтахтимиздаги педагогика билим юрти компьютер марказида бўлишиб, олимпиада беллашувлари олдидан компьютерда ишлаш кўникмаларини янада ошириш, ҳаяжонларини босиш мақсадида мутахассислардан керакли маълумотларни олишди.

— Маълумки, — деди биз билан суҳбатда РТМнинг математика-информатика ва технология бўлими бошлиғи Баҳодир Болтаев, — олимпиадаларнинг сўнгги босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритган барча ўқувчиларимиз ўз фанлари бўйича чуқур билимга эгадир. Бироқ, ўқувчиларнинг билимлари компьютерда бериладиган тест саволлари орқали аниқланар экан, айрим чекка ҳудудлардан келган қатнашчилар орасида ушбу техникадан унумли фойдаланиш кўникмасига етарлича эга бўлмаганлари ҳам учрайди. Шу боис биз танлов олдидан ўқувчиларга компьютерда ишлаш технологиясини яна бир бор ёдга олиш, уни мустаҳкамлаш, умуман, билимлар беллашувига тайёрлаш мақсадида шароит яратдик.

Дарҳақиқат, умутаълим фан олимпидаларининг юқори савияда, адолат мезонлари асосида ўтказилишига алоҳида эътибор берилганлигини биз билан суҳбатда бўлган ўқувчилар, уларнинг ўқитувчилари ҳам таъкидлаб ўтишди.

**Азиза ЛАТИПОВА, Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 8-мактабнинг 11-синф ўқувчиси:**

— Мен республика миқёсида ўтказилаётган умумтаълим фанлари олимпиадасида рус тили фанидан иштирок этмоқдаман. 9-10 синфларда ўқиб юрган кезларимда ҳам ушбу олимпиадаларнинг вилоят босқичларида қатнашиб 1-ўринни қўлга киритган эдим. Мақсадим — ушбу якуний республика босқичида ҳам ғолиб бўлиш. Ҳукуматимиз томонидан бизнинг таълим олишимиз учун яратилган шарт-шароитлар ва билим бераётган устозларимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ўйлайманки, бу юксак ишончни оқлаймиз.

**Хушмурод ҒАФФОРОВ, Қашқадарё вилояти У.Юсупов туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси:**

— Ўқувчиларимизга яратилган шароитларга ҳавасим келади. Чунки, бизнинг ўқувчилик давримизда бундай эътиборни фақат орзу қилиш мумкин эди. Ўқувчим Маҳмуд Қораев француз тили фанидан бугунги беллашувларда иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Ёшларимизнинг бундай ютуқларидан биз ҳам хурсандмиз.

**Хуршид ХУДОЙҚУЛОВ, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 1-мактаб ўқувчиси:**

— Ҳаяжонларим чексиз. Чунки, мана шундай нуфузли фан олимпидасида ғолибликни қўлга киритган ўқувчи олий ўқув юрти талабаси бўлишдек имтиёзга эга бўлади. Демак, билимлар беллашуви муросасиз кечиши аниқ. Бу ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш ҳамда ёзма ишларни бажариш жараёнидаёқ тенгдошларимнинг фаоллиги, теран билимга эга эканликларидан сезилди.

**Анвар РОЗИЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 30-мактаб ўқувчиси:**

— Мен ушбу беллашувларда чизмачилик фанидан ўз билимимни яна бир бор синовдан ўтказаяпман. Шуниси аниқки, сараларнинг сарасигина ғолиб бўлади. Барча тенгдошларимга омад тилайман.



(Қизғин ва муросасиз ўтиши кутилаётган умумтаълим фанлари бўйича 2002 йилги республика олимпиадасининг якуний натижалари билан газетамизнинг навбатдаги сонида батафсил танишасиз).

**Баҳодир ЖОВЛИЕВ,**
**"Маърифат" мухбири**

**Суратларда: ўқувчиларнинг олимпиада беллашувларига тайёргарлик жараёнларидан лавҳалар.**

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

## SOʻNGGI UCH KUN MUJDALARI



**Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 25 mart kuni Oqsaroyda AQSH Senatining Razvedka boʻyicha qoʻmitasi raisi oʻrinbosari Richard Shelbi rahbarligidagi Kongress delegatsiyasi a'zolarini qabul qildi. Uchrashuvda mintaqaviy havfsizlik, aksilterror operatsiyasining borishi, Afgʻonistondagi vaziyat, transmilliy tahdidlarga qarshi turishda ikki tomonlama hamkorlikka oid masalalar muhokama etildi.**

**Navroʻz bayrami kunlarida poytaxtimizda Respublika Urologiya markazi ochildi. Yangi markaz Germaniyada ishlab chiqarilgan eng zamonaviy asbob-uskunalar bilan jihozlangan boʻlib, bu yerda olti mingdan ziyod bemorga malakali tibbiy xizmat koʻrsatish imkoniyati bor. Asosiysi, endi II-Toshkent Davlat TI magistrlari oʻquv-amaliy mashgʻulotlarni shu yerda oʻtkazadi.**

**Gurlan tumanidagi «Guliston» shirkat xoʻjaligida yangi kasb-hunar kolleji foydalanishga topshirildi. Kollej zamonaviy oʻquv jihozlari, ishlab chiqarish ustaxonasi va sport zallari bilan ta'minlangani oʻquvchi-talabalarning koʻngildagidek kasb-hunar egallashlari uchun asosiy omil boʻladi.**

**Moskvada Oʻzbekistonda ishlab chiqarilayotgan «Matiz» rusumli yangi turdagi avtomobilning taqdimot marosimi boʻlib oʻtdi. Taqdimot marosimida Oʻzbekistonning Rossiyadagi favqulodda va muxtor elchisi Shoqosim Shoislomov ishtirok etdi.**

# КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

**Dolzarb mavzu**

***Жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари сафига қўшилишга интилаётган ўлкамизда янги технологиялар, яъни компьютерлардан фойдаланишга кенг эътибор берилмоқда. Негаки, компьютерлар бугунги кунда энг қулай, илғор коммуникация воситаси ҳисобланади. Айни чоғда вилоятларда компьютер таъминоти ва улардан фойдаланишнинг аҳволи қай даражада? "Информатика ва ЭҲМ асослари" фанини дастурлар билан таъминлаш кўнгилдагидекми? Мухбиримиз ана шу каби саволлар билан Халқ таълими вазирлиги етакчи мутахассиси Яздон Мустафоқуловга мурожаат қилди.***

— Ҳозир мактаб жамоаларида ўқувчиларга энг замонавий технологиялардан, хусусан, компьютерлардан фойдаланиб сабоқ бериш, мавзуни улар асосида ёритиш вазифаси юкланаётир. Чунки ўқувчи илк ёшдан бошлаб компьютерни ишга туширишнинг элементар соҳаларини билиши керак. Ва бу ўқувчиларнинг кейинги ҳаётида муҳим ўрин тутади, яъни олий ўқув юртларида мактабда олган билимини қайтадан бошламай, балки уни давом эттиради. Бу борадаги билимларини эса бойитиб борадилар.

**— Яздон ака, республика ўқув муассасаларини компьютерлар билан таъминлаш давом эттирилмоқда. Ҳозир бу соҳада, асосан, қайси жиҳатларга эътибор берилмоқда?**

(Давоми 4-бетда)

## Oʻqituvchi yon daftariga

**OLIMLAR XULOSASI**

**Koʻpchilik kishilarning xavotirlanishlariga asos yoʻq — qahva qon bosimini oshirmaydi. Bu amerikalik olimlarning olib borgan tadqiqotlari xulosasi. Jon Xopkins universiteti mutaxassislari tomonidan olib borilgan ilmiy izlanishlar kuniga ikki bora qahva ichish gipertoniya kasalligini rivojlantirmasligini, tasdiqladi.**

**MITTI MASHINA**

**Angliyalik Edrian Bill yaratgan avtomobil eng mitti mashina sifatida Ginnesning rekordlar kitobiga kiritildi. Balandligi bor-yoʻgʻi 60 santimetr boʻlgan ushbu mashina soatiga 250 kilometr yoʻl bosish quvvatiga ega. Bill oʻz mashinasini yasash uchun toʻrt yil vaqt sarfladi.**

**UZOQ UMR SIRI**

**Germaniyalik professor Roland Printsinger uzoq muddatli tajribalaridan soʻng shunday xulosaga keldi: bir tekis, osoyishta hayot kechirish uzoq umr koʻrishning garovi ekan. Buni hayvonot olamidagi koʻpdan-koʻp misollar bilan isbotlash mumkin. Masalan, toshbaqalar harakati juda sust, ular 250 yilgacha umr koʻrishi mumkin. Organizmga ajratilgan energiya zahirasi qancha tez sarflansa, organizm shuncha tez ishdan chiqadi, deya ta'kidlaydi olim.**

**OʻZ VAZNLARIDAN MAMNUN**

**Statistik ma'lumotlarga qaraganda, 54 foiz amerikaliklar ortiqcha vaznga ega. Shunday boʻlsa-da, ular oʻrtasida soʻrov oʻtkazilganda qiziq bir holatga duch kelingan. Ya'ni, ularning koʻpchilik qismi oʻz vaznlaridan hatto mamnun boʻlib, hech qanday noqulaylik his qilmas ekanlar.**

*Савол-жавоб якунида улар жажжи қўлларини кўксиларига қўйиб, мадҳиямизни куйлаганларида, очиғи, кўзларимиз ёшланди.*

*Қадимдан жейновлик момоларимиз ўзларининг бетакрор гўзал кашталари билан бутун Туронда ном таратишган.*



# УЧРАШУВ

*Маълумки, 11—14 март кунлари Юртбошимиз И.Каримов расмий ташриф билан АҚШда бўлиб қайтди. Айни шу ташриф юзасидан расмий делегация аъзолари ҳамда Тошкент Давлат Техника университети талабалари, устоз-мураббийлар иштирокида ЎзМУ маданият саройида учрашув бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов бошқарди.*

*Учрашувда сўзга чиққан Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Миллий маркази раҳбари А.Саидов барчани кириб келган Наврўз айёми билан қутлаб, делегация аъзоси сифатида АҚШдаги расмий ташриф юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. У нутқида Юртбошимизнинг Ўрта Осиё мамлакатлари раҳбарлари орасида биринчи бўлиб АҚШга расмий ташриф билан борганини таъкидлар экан, жаҳон миқёсида республикамизнинг нуфузи ортиб бораётганлигини, том маънода тенг ҳуқуқли давлат эканлигини айтди.*

*Шунингдек, "Дўстлик" жамияти раиси Н.Иброҳимов, ЎзМУ иқтисодиёт факультети декани А.Ваҳобов ва бир гуруҳ иқтидорли талабалар сўзга чиқишиб, жамият тараққиётининг муҳим соҳаларидан бири бўлган таълим тизимини ислоҳ қилишга доир масалалар хусусида тўхталишди ҳамда Америка таълим тизимидаги ижобий жараёнларни республикамиз миқёсида татбиқ қилиш чоралари ҳақида гапирдилар.*

*Ҳозирги кунда компьютер технологиялари ҳар бир соҳага жадал кириб бораётган бир пайтда уни таълим соҳасига олиб кириш, масофадан туриб ўқитиш кўламини янада кенгайтириш долзарб масалалардан биридир. Учрашувда шу масалалар хусусида ҳам гапирилиб, талабаларни қизиқтирган саволларга етарли жавоблар берилди. Йиғилганлар АҚШ давлати ҳақидаги тасаввурларини янада бойитдилар.*

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# СИЗ ЖЕЙНОВГА БИР КЕЛИНГ

## Maktabgacha ta'lim muassasalarida

Қишлоқларда ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларининг ишларини ҳамма жойда ҳам бирдек яхши деб бўлмайди. Кейинги вақтларда кўплаб жамоа хўжаликларидаги болалар боғчалари арзимас баҳоналар билан ёпиб қўйилаётганлиги ҳам сир эмас.

Яқинда Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов тумани ХТБсига қарашли Сарварой номидаги болалар боғчасида бўлдик.

Бепоён Қашқа воҳасининг чўл ҳудудларида жойлашган ушбу мактабгача таълим муассасаси юртимиз мустақиллигининг 3 йиллиги муносабати билан Жейнов жамоа хўжалиги томонидан қуриб битказилиб, кичкинтойлар ихтиёрига берилган эди. Ўшанда қишлоқ аҳли жам бўлишиб, қад кўтарган қўш қаватли ушбу муассасага шу ердаги биринчи доя опа Сарварой Ҳидированинг номини беришга келишиб олгандилар.

Барча шарт-шароитлар муҳайё этилган мазкур масканда айни кунда 80 нафар болажонлар илму одоб ўрганишяпти. 2001 йилнинг сентябрь ойида эса Муборак газ конлари бошқармасининг ходимлари 4 миллион сўм миқдоридаги ҳомийлик ишларини амалга оширишиб, боғчанинг иситиш узатмаларини қайта таъмирлаб беришди.

— Жейнов жамоа хўжалиги раиси, Олий Мажлис депутати Муродулла ака Саидов боғчамизга тез-тез келиб турадилар. Мева-сабзавот маҳсулотларини ва кўплаб тарбияланувчиларимизнинг ойлик тўлов бадалларини ҳам жамоа хўжалигимиздан моддий ёрдам тариқасида олиб турибмиз, — дейди болалар боғчаси мудираси Муҳаббат Бўриева.

Хоналару заллар ўзига хос дид билан безатилган. Ўйинчоғу қўғирчоқлар анчагина бўлиб, уларнинг барчаси боғча опаларнинг моҳир қўлларию зукко заковатлари билан яратилган.

Шуни таъкидлаш керакки, кичкинтойлар масканида унутилаётган миллий қадриятларимизни тиклашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Қадимдан жейновлик момоларимиз ўзларининг бетакрор гўзал кашталари билан бутун Туронда ном таратишган. Шу сабаб болажонларга каштачилик илмидан сабоқ берилаётир.

Биз ушбу масканни чеварлар макони деб атагимиз келди, негаки, хоналардаги араби нусхадаги бежирим гиламлар худди шу ернинг ўзида тўқилган.

—Яқин орада гилам тўқиш цехини қайта таъмирлаб, кенгайтириш режамиз бор. Бу билан туманимиздаги болалар боғчаларининг гиламга бўлган эҳтиёжини қондирган бўламиз, — лейди Усмон Юсупов тумани ХТБ мудири Амир Рўзиев.

Шунингдек, мазкур муассасада "Соғломжон-полвонжон" танловини ўтказиш ҳам анъанавий тус олган. Бу танловга ота-оналар ҳам бирдек қизиқишади. Ҳа, бу ерда ибрат олса арзигулик ишлар бир талай. Яхшиси, сиз Жейновга бир келинг! Минг бор эшитгандан кўра бир бор кўрган афзал, дейишади доноларимиз.

**Абдували ОБИДДИНОВ**



## Tajriba, sinov, natija

# МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

***ёхуд Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 1-мактабда муаллимлар ўзига хос усулда изланишаётганлиги ҳамда "Мактаб посбони" ўқувчилар гуруҳи фаолияти кўпчиликка маъқул бўлаётгани хусусида***

Ҳар бир ўтган кун — тарих. Унда ўзига хос из қолдирмоқлик фидойи ва билимдон инсонларгагина насиб этади. Шу боис у фаолияти давомида кўп бор амалга оширган ишларини хаёлидан ўтказади, таҳлил қилади. Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 1-ўрта мактаб директори Ботир Раҳимов ҳам ана шундай ҳолатларга кўп бор дучор бўлди.

Йиллар ва йўллар... Аслида ҳар қандай бугуннинг илдизлари тарихга бориб тақалади. Бинобарин, устоз раҳбарлик қилаётган мактаб тарихи ҳам унинг бугунги куни каби сабоқлидир. Ҳазорасп қалъаси. Бу қалъа Хоразм тарихи қадар, Шарқ маданияти тарихи каби қадимийдир. Қалъанинг шундоқ биқинида, жануби-ғарб қисмида салобат тўкиб турган икки қаватли бинога кўзингиз тушади. Ҳовли, йўл, йўлаклар болалар билан гавжум. Кексалар Ҳазорасп туманидаги 1-мактабни марказдаги қалдирғоч мактаб ҳам дейишади. 1920 йилда ташкил этилган бу мактаб ўтган-кетган йўловчиларнинг кўзига иссиқ кўринади. Бизлар ҳам шу мактабда ўқиганмиз, дейишади улар бир-бирларига қараб.

Собиқ ўқувчиларнинг бундай фахрланишларига асос бор. Сабаби, илм маскани Низомида қайд этилганидек, дарс сифати — бош мезон, йўналиш сифатида қабул қилинган. Ҳозир дарс ўтиш усуллари янги талаблар асосида такомиллаштирилиб борилаётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Мактабда бошланғич таълимга алоҳида эътибор қилинади. Жажжи ўғил-қизлар учун "Мактабга тайёрлаш гуруҳлари" қишки таътил пайтидаёқ шакллантирилади. Гуруҳларда мактабга кўникма ҳосил қилиниб, болажонларга хат-савод ўргатиш сари дастлабки қадамлар қўйилади. Улар 1-синфга ўтганларидан кейин талаблар "Эртаклардан — тараққиётга" сари мураккаблаштириб борилади. Ҳозир илм масканида бошланғич синфданоқ ҳар бир ўқувчи учун индивидуал папка тутилаётир. Унда ота-оналар билан алоқа дафтаридан тортиб, ўқувчининг оилада нечанчи фарзандлиги, боланинг нималарга қизиқиши, ота-онаси, қариндошларининг қаерда, ким бўлиб ишлашларигача қайд этиб борилади. Шунингдек, папкада ҳар бир ўқувчининг ёзма ишлари (она тили, математикадан), ўқувчининг ўқиш тезлиги, хат-саводи ДТС талабларига нечоғлик бажаришигача бўлган маълумотлар сақланади. Шу асосда ўқувчиларнинг ўзлаштириш диаграммаси дарров аниқланиб, қисқа фурсатларда хулоса чиқариш имкони туғилади. Папкадаги махсус дафтарга эса ота-оналар имзо қўйиб боришади. Демакки, ҳар чоракда ота-она ўз фарзанди ўзлаштиришидан бохабар бўлиб туради.

— Бу усул билан ўқитувчиларнинг қандай ишлаётганини баҳоласа ҳам бўлади, — деди мактабнинг бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудири Раънохон Қаххорова. — Шу боисми, ўқитувчиларимиз бир-биридан орқада қолмасликка ҳаракат қилишади, дарсларга фақат янгиликлар олиб киришади.

Дарҳақиқат, биз буни мактабдаги дарс жараёни ва бошланғич синфлар учун ташкил этилган мониторинг хонасида муаллимларнинг намунавий дарс ишланмалари, ҳар бир ўқувчи билан якка тартибда ишлаш жадвали, ўқувчилар ўзлаштириш диаграммаси, "кичик олимпиадалар" натижалари ва бошқа кўплаб кўрсаткичларни кўздан кечириб, 1-мактабда "Ёшликда берилган билим тошга ўйилган нақш билан баробар" нақлига амал қилинаётганига амин бўлдик.

Яна бизни қувонтирган жиҳат шу бўлдики, бошланғич таълимда ўқувчиларни давлатимиз рамзлари (байроқ, герб, мадҳия)га ҳурмат руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилаётган экан. Биз бошланғич синф ўқитувчиси Раҳима Мадаминованинг 1-"Г" синфига кириб, бунга яққол ишонч ҳосил қилдик. Ўқувчилардан Нилуфар Давлатёрова, Дилфуза Ботировалар дарслар тугаган бўлишига қарамай, муаллимаси ёнида парвона эканлар. Нилуфар ва Дилфузани бир сидра саволга тутдик. Савол-жавоб якунида улар жажжи қўлларини кўксиларига қўйиб, мадҳиямизни куйлаганларида, очиғи, кўзларимиз ёшланди. "Ватан остонадан бошланади" тушунчаси қалбларига жойланаётган бу ўқувчиларни мустақил юрт фарзандлари, дея эътироф этдик. Зеро, фарзандлари она, Ватан, муқаддас тупроқ тушунчалари билан улғаяётган юртнинг келажаги ҳам буюк бўлади.

Мактабда юқори синф ўқувчиларининг таълим-тарбиясига ҳам жиддий қаралади. Шу боис илм масканида юқори синфлар бўйича ҳам мониторинг хонаси ташкил этилган. Унда ўғил-қизларнинг билим даражалари ДТС талабларига нечоғлик жавоб бераётгани ёки бермаётгани ўқув жараёнида таҳлил қилиб борилади. Агар ўқувчиларда бирор фандан пасайиш юз берса, ота-оналар мактабга таклиф қилинади. Синф мажлисида бу масала атрофлича муҳокама қилинади. Ота-оналар билан бамаслаҳат ўғил-қизлар мактаб кутубхонасига, синфдан ташқари ишларга жалб этилади.

— Ушбу мактабнинг Конституция ва бошқа қонунларни тарғиб қилиш услублари ҳамда "Мактаб посбонлари" ўқувчилар гуруҳи тажрибаси кўпчиликка маъқул бўлаётир, — деди Ҳазорасп тумани ХТБ мудири Шоназар Жабборов. — Ҳозир бу тажрибаларни вилоят мактаблари раҳбарлари ҳам ўрганиб кетишмоқда.

Дарҳақиқат, посбонлар гуруҳи "Ўз уйингни, кўчангни, хонангни ўзинг асра!" тамойили асосида иш юритишаётир. Гуруҳнинг ўз шиори, Низоми, кўкрак нишони ва гувоҳномаси бор. Уларнинг кундалик вазифалари қуйидагилардир:

1. Гуруҳ аъзолари мактаб атрофини навбат билан эрталаб, танаффус пайтида, дарсдан сўнг қўриқлаб кузатиб юриши;

2. Мактабга ташқаридан бегона ўқувчилар ёки нотаниш шахсларни ҳужжатсиз киритмаслик;

3. Дарсга кирмай юрган ўқувчиларни синф раҳбарларига ёки мактаб маъмуриятига маълум қилиш;

4. Мактаб озодалигини сақлашга кўмаклашиш;

5. Дарс қолдирган ўқувчилар уйига ички ишлар бўлими нозири, синф раҳбари билан бориш;

6. Мактаб ички тартиб интизомини сақлаш;

7. Мактаб мулкини қўриқлаш;

8. Нос, папирос чекувчи ўқувчиларни аниқлаб, ота-онаси иштирокида муҳокама қилиш;

9. Маҳаллаларни, мактаб участкаларини ҳар куни кузатиб, осойишталиги ҳақида ахборот бериш;

10. Мактабда уюштириладиган тадбирларнинг шовқинсиз ўтишини таъминлаш ва ҳоказо.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мактаб посбонлари эрталаб ва дарслар тугаганидан кейин ўқувчиларнинг йўлдан бехатар ўтишини таъминлаш билан бирга мактабда ички тартибни тўлиқ назорат остида сақлаб турадилар. Агар бирор-бир ўқувчи икки бор дарс қолдиргудек бўлса, унинг уйига боришади, мактабга келмасликнинг сабаблари суриштирилади. Шунингдек, мактаб тозалигига ҳам эътиборни қаратишади. Бир сўз билан айтганда, мактабнинг 35 нафар юқори синф ўқувчиси "Мактаб посбони" кўкрак нишонини ҳар куни ғурур билан тақиб юрадилар. Жамоатчилик вазифасига виждонан ёндашаётган бу ўқувчилар илм масканидаги жами 1140 нафар ўғил-қизни ўз бурчларини бажаришга чорламоқдалар.

Мактаб ўқитувчилари ҳам ҳар бир ўғил-қизнинг бурч ва масъулиятини ошириш, уларни ҳаётга тайёрлаб бориш устида чуқур изланишаяпти. Илм масканида 62 нафар муаллимнинг барчасига жиддий талаб қўйилган: "Ўқитувчи 40 йил сабоқ берса-да, тўлиқ маълумотли кундалик дарс режасига ва конспектига эга бўлмоғи лозим".

Фан ўқитувчилари ҳар ойда бир марта очиқ дарс ўтишлари зарур. Очиқ дарсда мактаб раҳбарияти, ёш ўқитувчилар қатори ота-оналар ҳам иштирок этадилар. Унда муаллимларнинг барчаси ўзига хос бир янгилик, ўзига хос янги педагогик технология элементларини кўрсатишади. Бу жараён ўқитувчиларни ўз устида янада кўпроқ изланишга, янгиликлар топишга ундаяпти.

Ундан ташқари, синф раҳбарлари ҳар бир ўсмир хатти-ҳаракатини доимо назорат қилиб туради. Фан ўқитувчилари эса ўқувчиларга дарсликлардаги тушунчаларни берибгина қолмасдан, ҳар ҳафта бирор фандан ҳафталик ўтказадилар. Ҳафталикларда ўқувчилар чуқур изланишади, бор билимларини ишга солишга ҳаракат қилишади. Муҳими, бундай усуллар ўғил-қизлар ўртасида ижодий рақобатни юзага келтирмоқда. Натижада ўқувчилар билим даражалари кўтарилиб, улар турли хил кўрик-танловларда, туман фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллашмоқда.

Мустақиллик йилларида мактабда устоз-шогирд анъанаси қайта тикланганини айтиб ўтиш ўринлидир. Бунга мисол тариқасида бу ерда "Ёш педагоглар мактаби" фаолиятини кўрсатиш мумкин. Унда мактабга илк қадам қўйган ёш мутахассисларга амалий ёрдам кўрсатилади. Ўқув йили бошидаги дастлабки педагогик кенгашдаёқ уларга устоз ўқитувчилар бириктирилади. Масалан, айни кунда ёш ўқитувчилар — француз тили фани ўқитувчиси Эргаш Раззоқов, меҳнат таълими фани ўқитувчиси Меҳрибон Қурёзова, математика фани ўқитувчиси Нилуфар Самандароваларга тажрибали ўқитувчилар — Шариф Юсупов, Фарида Ўрозметова, Тўхтажон Матниёзовалар устозлик қилишмоқда. Бу ерда устознинг биринчи галдаги вазифаси ёш мутахассисда ўз касбига ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш саналади.

Кўпчилик марказдаги қалдирғоч мактабни гуллар мактаби деб ҳам аташар экан. Ҳовлида парваришланаётган дов-дарахт, анвойи гуллардан кўзингиз қувнайди. Мабодо синф хоналарини кўздан кечиргудек бўлсангиз, ўзингизни худди табиат бағрида юргандек ҳис этасиз. Ҳар бир ўқитувчи синфларда 50 дан ортиқ хонаки гуллар ўстириш баробарида ўқувчиларда табиатга меҳр-муҳаббат уйғотаётир.

Ундан ташқари, мактабда "Меросга ихлос" тамойили асосида иш юритилаётир. Гап шундаки, дарсларда, синфдан ташқари машғулотларда бу қадимий юртнинг ўтмиши ва бугунги тарихи чуқур ўрганилмоқда. Шу билан бирга мактабда "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанига, шу асосда миллий удум, урф-одат, анъана ва қадриятларни чуқур ўрганишга жуда катта эътибор берилаяпти. Шу аснода илм масканида устозлар ҳурматини жойига қўйиш, кексаларни эъзозлаш юксак қадрият деб қаралаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўқувчиларнинг ўзлари эса тумандаги Питнак, Карвак, Овшар, Мухомон, Бешта, Пичоқчи деб номланган ҳудудлар тарихи бўйича изланишлар олиб боришаяпти.

Мактаб музейи илм масканинг 80 йиллик тарихи ва унда фаолият кўрсатган ва кўрсатаётган устозларнинг ибратли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Хусусан, музейда бўлган киши ушбу масканга раҳбарлик қилган фидойи инсонлар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, давлат мукофотлари билан тақдирланган ўқитувчилар, шу мактабдан етишиб чиққан олимлар, таниқли кишилар, умуман илм маскани муваффақиятлари ҳақида батафсил маълумот олади.

Энг қувончлиси, ўқувчилар ўртасида Ватанга, она юртига, миллий қадриятларга садоқат, муҳаббат туйғуларини уйғотишда мактаб раҳбари Ботир Раҳимов ташаббускорлик кўрсатмоқда. Унинг саъй-ҳаракатлари ўлароқ, Президентимиз Ислом Каримов ҳаёти, ижоди акс этган кўргазма — Президент зали ишга туширилди. Ҳозир кўргазма билан танишган ҳар бир ўқувчи Президентимизни севишга, унинг фидойилигидан ўрнак олишга ҳаракат қилиши, шубҳасиздир.

Бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларни тарғиб қилишдаги фаоллиги ҳамда уларни кейинги авлодларга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун илм маскани жамоасига 2001 йил 26 октябрида халқаро ЮНЕСКО ташкилоти сертификати берилди. Эндиликда бу юксак масъулиятни чуқур англаётган жамоа энг илғор иш усуллари, янги педагогик технологияни амалий фаолиятга кўпроқ жорий этиш ҳаракатида бўлаётир. Хуллас, мактаб жамоасининг мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантириш, истеъдодли, иродали, эътиқоди мустаҳкам ёшларни тарбиялаб етиштириш борасидаги тажрибаси ибратга моликдир.

**Курбонбой МАТҚУРБОНОВ**

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

**Мустақиллигимизнинг элимизга ато этган рўшноликларидан бири барча соҳада дунёга чиқиш имкониятлари яратилганлигидир. Шуни мамнунлик билан таъкидлаш керакки, халқ таълими тизимидаги халқаро алоқалар фарзандларимизни жаҳон андозалари даражасида билимли қилиб вояга етказиш ва таълимдаги ислоҳотларни жадаллаштириш имконини бермоқда.**

**Бу борада Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Тўхтасин Мирзаевнинг фикрлари билан қизиқдик.**

**— Дарҳақиқат, бу борада самарали ҳамкорлик олиб бораётганлигимиз муаллимларимизнинг ижодий изланишларига, ўзларининг билим ва иқтидорларини тўла намоён этишларига имкон яратмоқда. Жумладан, Булоқбоши туманидаги 10-ихтисослашган мактаб-интернат инглиз тили ўқитувчиси Маҳфратхон Абдуллаева Британия Кенгаши билан ҳамкорликда 6-синф "Инглиз тили" дарслигини яратишда ҳаммуаллифлик қилди ва ҳозирда 7-синф "Инглиз тили" дарслигининг янги авлодини яратиш устида ишламоқда.**

**Кейинги уч йил ичида 12 нафар ўқитувчиларимиз Франция, Германия, Англия ва АҚШ давлатларидаги нуфузли илм масканларида ўзаро тажриба алмашдилар ҳамда малакаларини ошириб қайтдилар. Муаллимларимизнинг ривожланган давлатларда бўлиб, дарс беришда янги технологиялардан фойдаланаётганликлари ўқувчиларимизнинг билим даражалари ошишида катта ёрдам бермоқда.**

**1998-2002 йиллар давомида АҚШнинг таълим ва тил ўрганиш бўйича АКСЕЛС ташкилоти томонидан ўтказиб келинаётган танловлардан муваффақиятли ўтган 28 нафар ўқувчиларнинг АҚШда таҳсил олиб қайтганлиги юқорида билдирилган фикрларнинг яққол далилидир.**

**Шунингдек, умумтаълим мактабларининг халқаро алоқалардаги иштироки йилдан-йилга фаоллашиб бормоқда. Япония давлатининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан кичик грант лойиҳаси асосида Избоскан туманидаги 14, Улуғнор туманидаги 17-мактаблар ўқув моддий-техник негизини мустаҳкамлаш учун 36283 АҚШ доллари миқдоридаги компьютер техникаси, ўқув жиҳозлари ва спорт анжомлари билан таъминландилар.**

**Қўрғонтепа туманидаги барча мактабларда ҳам айни пайтда Осиё Тараққиёт Банки билан ҳамкорликда мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули синовдан ўтказилмоқда. Бу мақсад учун Осиё Тараққиёт Банки 90 миллион сўм миқдорида маблағ ажратган. Мазкур Банк вилоят ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтини 21096 АҚШ доллари миқдоридаги ўқув мажмуаси ҳамда ЮНЕСКОнинг республикамиздаги ваколатхонаси вилоятимиздаги 4 та тажриба-синов майдончаларини жиҳозлаш учун Асака шаҳридаги 7 ҳамда 8-мактабларни, Бўз туманидаги 4 ва 6-мактабларни компьютер техникалари билан таъминлади. Хулоса қилиб айтганда, вилоят халқ таълими бошқармаси таълим жараёнини такомиллаштириш ишларида хорижий давлатлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича республика Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган 2001-2003 йилларга мўлжалланган дастур асосида ишни жадал давом эттирмоқда.**

**О.СИДДИҚОВ**

# БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҲФА

Наврўз байрами арафасида Чиноз туманидаги 600 ўринга мўлжалланган собиқ қишлоқ хўжалик техникуми замон талабларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежига айлантирилди. Эндиликда бу ерда таҳсил олувчи талабалар сони 900 тага етказиладиган бўлди. Бунинг учун қўшимча 6 та янги ўқув бинолари қурилди.

Ана шундай бунёдкорлик ишлари учун 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Бу янги қурилган қўшимча бинолар Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилди. Ўқув юрти биноси олдида ҳиёбон, спорт майдончалари ташкил этилди. 150 ўринли болалар, 110 ўринли қиз болалар ётоқхоналари мавжуд. Уларга керакли жиҳозлар олиб келиняпти.

Олмазор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ўзига хос мавқега эга. Кейинги йилларда унинг ўқитувчилар жамоаси халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун 10 минг нафар мутахассислар тайёрлаб берди.

Коллежнинг қўшимча бинолари ишга туширилгач, янги таълим стандартлари бўйича қўшимча мутахассисликлар ўқитила бошланади.

Жумладан, фермерларни қайта тайёрлаш курсларини очиш режалаштирилган. Коллежнинг педагогик жамоасига услубий қўлланмалар тайёрлашда Тошкент давлат аграр университети ҳамда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти муаллимлари яқиндан кўмак бериб келаяпти. Шу пайтгача битта лингафон хонаси, битта компьютер хонаси мавжуд бўлса, эндиликда уларнинг сони 4 тага етади.

Хуллас, Олмазор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида талабаларнинг чуқур билим олишлари, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашлари учун барча қулай шароитлар яратиб берилган.

**Акбар АЛЛАМУРОДОВ**

# УЧ ЁШЛИ МАРКАЗ

*Фарғона вилоятида "Иқтидор" номли ногирон, имконияти чегараланган болаларни қўллаб-қувватлаш маркази фаолият юритмоқда. Марказ директори Ўктамхон Аҳмадалиева билан бўлиб ўтган суҳбатимиз шу фаолият хусусида бўлди.*

*— Марказ қачон ташкил топган ва у қандай ишларни амалга оширмоқда?*

*— Марказимиз 1999 йил 9 июнда ўз фаолиятини беш нафар бола билан бошлаган эди. Шу кунга келиб аъзоларининг сони 230 нафардан ошиб кетди. 2000 йилда имкониятдан келиб чиқиб, 30 нафар болажонга рассомлик, гилам тўқиш мутахассислиги бўйича таълим бердик. 2001 йилга келиб зардўзлик, кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги ва компьютер мутахассислиги бўйича бўлимлар очилди. Бугун биз Буюк Британиянинг "Болаларни қутқаринг" фонди, АҚШнинг нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш "Каунтерпарт Консорсиум" маркази, вилоят ҳамда шаҳар хокимликлари, ташкилот ва корхоналар ҳамда саҳоватпеша ҳамшаҳарларимизнинг холис ёрдами натижасида фаолият кўрсатиб келмоқдамиз.*

*— Марказ аъзоларининг эришган ютуқларини яққолроқ нималарда кузатиш мумкин?*

*— Ўтган қисқа муддат ичида болалар ижодий ишлари намуналари, яъни: рассомчилик, гилам тўқиш бўйича шаҳар, вилоят миқёсида бир неча кўргазмалар ташкил этдик. "Соғлом авлод учун", Жанубий Кореянинг "Енгрог" ва Республика Болалар жамғармалари ҳамда ногиронлар уюшмаси томонидан ташкил этилган Халқаро "Ранглар жилоси" танловида тарбияланувчиларимиз Лутфулла Қодиров, Отабек Ҳусанбоевларнинг муваффақиятли иштироклари барчамизнинг ютуғимиз бўлди. Бундан ташқари, яқинда махсус ижтимоий тадқиқот гуруҳимиз маҳаллаларга чиқиб, 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган ногирон болалар ва кам таъминланган оилалар соғлом фарзандларининг кўпчилиги фойдали машғулот билан банд бўлмаганлигини кузатди. Бунга сабаб: маънавият ва маърифат ўчоқларининг узоқлиги, жамоат транспорт воситаларининг ногиронлар учун мослашмаганлигидадир. Бўлиб ўтган суҳбатларда болалар зардўзлик, кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги ва компьютер мутахассислигини эгаллаш истаклари борлигини айтишди .*

*— Марказ ишларини амалга оширишда мураббийларнинг ҳам алоҳида ўрни бор, тўғри эмасми?*

*— Албатта, бу ерда нима ишлар қилинаётган бўлса, ҳаммаси мураббийларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида амалга оширилмоқда. Жумладан, Т.Аҳмадалиев, К.Мамазияев, М.Тошпўлатова, И.Марасуловлар ўз тарбияланувчиларига миллий, тарихий меросларимизга таяниб ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган даражада сабоқ бериб келмоқдалар.*

**Шерзод АҲМАТОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

**Инсон қанча кўп ўқиса, қанча кўп маълумотларга эга бўлса, шунча кам билишини англайди. Айниқса, ҳар куни юзлаб ўқувчиларга, илмга ташна ёш авлодга, уларнинг турли мавзулардаги ранг-баранг саволларига жавоб бериш учун ўқитувчилар тинмай изланишлари лозим. Акс ҳолда ўқувчиларимиз лоқайд бўлиб, тушунчаларни тўлалигича ўзлаштира олмайдилар. Хўш, айни кунда ўғил-қизларда ўқишга қизиқиш қандай? Биз ана шу савол билан шаҳар мактаблари ўқувчиларига мурожаат қилдик.**

Mulohaza

# ЎҚИШГА ҚИЗИҚИШ СУСАЙГАНМИ?

**Дилноза Усмонова:** — *Устозим менга "4" баҳо қўйдилар. Мен дарсликдаги ҳамма мавзуларни ўқиб чиққанман. Устозим эса "Шу мавзуни ўқинглар", деб синфда дарсликдан ўқитадилар. Зерикиб кетаман. Янги адабиётлар билан таништирсалар, муҳокамалар уюштирсак, дейман. Устозимиз аввал дарсликни ўрганишимиз керак, фақат сен учун дарс ўтмайман-ку, суст ўқувчилар билан ҳам ишлаш керак, дейдилар. Тарих фанига қизиқишим қолмади.*

**Сардор Раҳматов:** — *Мусиқа фанига қизиқишим сусайиб кетди. Аввалги ўқитувчимиз тор чалиб ашула айтардилар, баъзан биз ҳам торни қўлга олиб, чалишга ҳаракат қилардик. Ҳозир эса янги ўқитувчи келди, фақат шеър ёдлатадилар. Дарсда бизга мусиқий асбоблар ва ноталар билан ишлаш, куй чалиш кабилар ўргатилмаяпти.*

**Ҳаким Эралиев:** — *Информатика ва ЭҲТА фанини қачон ўрганамиз деб роса кутгандим, замонавий компьютер техникаси, дастур тузиш кабиларни ўрганамиз, деб ўйлагандим. Афсус, ўқитувчимиз компьютерга яқинлаштирмайдилар. Фақат назарий маълумот оламиз. Бу эса айрим тенгдошларимга олимпиадада панд берди. Улар тест топшириқларини компьютерда бажариш вақтида оддий буйруқларни, масалан, саволга жавоб қайтариш, дастурга кириш кабилар учун қайси тугмани босиш кераклигини билмаганлар.*

Шаҳримизнинг турли туманларида ўқиётган ўқувчилар билдирган бу каби фикрларда жон бор, албатта. Ўқитувчи ўқувчиларнинг қобилиятлари ва қизиқишларига қараб дарс ўтмоғи лозим. Мусиқа дарси бўлсаю фақат шеър ёдлатилса, ўқувчи ДТС талабларига мос билимни қандай олади? Ёки куйлашда фортепиано динамик тусларини бажариш, ўзи ва ўртоқлари ижро этган қўшиқларнинг бадиий сифатини баҳолай билиш каби талабларга қандай жавоб топади? Қўшиқ тингламаса, мусиқа ижро этилмаса, куйлаш ва тинглаш маданиятига эга бўлмайди-ку! Ўқувчиларимизни машҳур мусиқа жанрлари: достон, катта ашула, яллачиликни ва унинг ижрочиларини билмасликлари, "Чўли ироқ", "Ушшоқ" кабилардан баҳра олмай ажнабий куй-қўшиқларга берилаётганларида устозларнинг ҳам айби бор.

Демак, ўқувчиларнинг ўқишга қизиқиши сусаётгани сабаби айрим устозларнинг ўз фанига беписандлигидадир.

Бу бирёқлама таҳлил, масаланинг ичига чуқурроқ кириб борайлик-да, бошқа сабабларини ҳам излаб кўрайлик. Мулоқотни давом эттирамиз.

Ота-оналардан бири ҳикоя қилади: «Қизимни ҳар куни боғчага олиб бораман. Тарбиячиси тажангроқ. Душанба куни қизимни етаклаб гуруҳга кирсам, тарбияланувчилар тарбиячиси ва унинг мактабда ўқийдиган қизининг қаттиқ-қаттиқ гапираётганига қараб мўлтираб ўтиришибди. Англашимча, қизи дарсларини тайёрламаган, энди ўқитувчимга нима дейман, деган бўлса керак, онаси уни койияпти: — Икки кундан бери қаёқда эдинг, нима қилдинг?

Ажабо, онаси нега икки кун дам олиш кунида қизининг дарсларига ёрдам бермади, ўқишларини кузатмади?»

Юнусобод туманидаги Оқтепа маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси Зарофат Усмонова юқоридаги фикрни маъқуллаб давом эттирди: «Ҳақиқатдан болаларда ўқишга қизиқиш сусайган.

Сабаби кўп, дейлик, ҳозир турли ўйинлар: "Сего", бильярдхоналар кўпайиб кетган, хонадонларда видеомагнитафонлар бор. Болалар ота-она назоратида эмас. Айримлари дарсдан сўнг уйига бориб видеофильмлар, қўрқинчли детективлар, ахлоқсиз фильмлар томоша қилса, айримлари бильярд клубларида вақтини ўтказади. Ишдан чарчаб келган ота-она ҳар куни ҳам боласини назорат қилавермайди. Яна бир сабаб, оилада оталарнинг ролини кучайтириш керак. Оталар ҳам ўз ўрнида фарзандига тўғри маслаҳат бериши керак. Агар ота "Ўқиб шаҳар оберармидинг, ўқиганнинг ҳоли маълум, бозорга чиқ" деса, болада ўқишга қизиқиш бўладими?»

Кўриняптики, ўқишга қизиқиш сусайганининг яна бир сабаби ота-оналарнинг фарзанди тарбияси ва ўқишга бепарволиги, назоратнинг камлиги.

Ваҳоланки, "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг 30 - моддасида шундай ёзилган:

**— Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.**

Ота-оналар бу қонунни ёдда сақлашлари лозим.

Дам олиш кунлари бозорда арава судраб юрган 10-16 ёшли болаларни кўпчилигимиз учратамиз. Баъзан улар ўқиш кунлари, дарс соатларида ҳам пул топиш билан банд экан. Шулардан бири билан суҳбатлашдим:

— Уйимизда тинчлик йўқ. Онам отамнинг кам пул топишидан, рўзғордаги етишмовчиликдан норози. Дарслик учун пул сўрасам, йўқ дейишди. Ноилож, ўртоғим билан бозорга чиқдим. Ҳар куни 1000-1500 сўм ишлайман. Энди пулим бору, дарслик олгим, ўқигим келмайди. Барибир, институтга киролмайман, ўқимай ҳам пул топиш мумкин экан-ку!

Кўринадики, оилавий низолар, нотўғри фикрлаш ҳам болани ўқишдан бездиради. Бизнингча, оилавий муаммолар фарзандлар олдида муҳокама қилинмаслиги лозим. Акс ҳолда фарзандларимиз нафақат оиладан безишади, балки илмсизлик жаҳолатга олиб боришини ҳам уларга уқтира олмаймиз. Ваҳоланки, келажак авлод маърифат жаҳолатдан устун туради, деган фикрга келиши лозим.

Ўқишга қизиқиш сусайганининг яна бир сабаби ҳақида муаллимлардан тингласак: — Ўқувчилар туман, шаҳар умумтаълим фан олимпиадаларида қатнашдилар. Фақат республика олимпиадаси ғолибигина олий ўқув юртига имтиёзли кириш ҳуқуқига эга. Туман ва шаҳар мавқеидаги олимпиада иштирокчилари эса кўнгилдагидек рағбатлантирилмаяпти.

Мактабда қўшимча дарслар учун ҳақ тўланмайди, ўқитувчи ҳам дарсдан сўнг бола билан шуғулланмайди. Натижада бирор бир мавзуни тушунолмаган бола унга боғлиқ кейинги мавзуни ҳам тушунмай қолади ва бора-бора ўқишдан кўнгли совийди.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ўқишга қизиқиш бирмунча сусайган. Бироқ, кейинги суҳбатдошларимиз ўқишга қизиқиш сусаймаган, деган фикрни ўз мактаблари мисолида билдирадики, биз бундан қувондик:



**Азиза Зиёвиддинова:** — *Она тили ва адабиёти дарслари жону дилим. Устозларимиздан Заҳро Аҳмедова, Заҳира Усмонқулова, Омина Алимовалар ҳар бир дарсни кўргазмалар билан ўтадилар. Адабиёт дарсида ўқилган асарларни саҳналаштирамиз. Шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказамиз. Пўлат Мўмин ва Хуршид Даврон билан бўлган учрашув ҳамон эсимда. Яқинда Пиримқул Қодиров билан учрашув режалаштирилган, тайёргарлик кўраяпмиз.*

**Абдулла Иброҳимов:** — *Географиядан туман олимпиадасида 3-ўринни олдим. Қолган фанларни ҳам қизиқиб ўрганаяпман. Дарсларимиз мазмунли, сабаби устозларимиз кўпинча қўшимча адабиётлардан фойдаланиб дарс ўтадилар.*

Кўриниб турибдики, ўқувчиларда ўқишга қизиқиш сусаймаган, фақат ўқитувчилар дарслик билан чегараланмай, шогирдлари қизиқишини ҳам эътиборга олмоқлари керак. Бироқ, шу аснода айтиш жоизки, ўқитувчилар кўргазмали қурол, техника воситалари етишмаслигидан, тажриба ўтказиш учун ашёлар йўқлигидан нолийдилар.

Нима қилмоқ керак? Саволимизга шаҳримиздаги 256-мактаб раҳбари Гулчеҳра Насриддинова шундай жавоб берадилар:

— Ишлайдиган одам имконият топади. Мактабимизда биология фанидан Азиза Мамажонова, кимё фанидан Саида Ғайбуллаева, физика фанидан Муҳаббат Сайдуллаевалар дарс беришади. Ўқувчилар бу фанларни севиб ўрганишади. Биология дарсларида баргларни микроскоп остида кўриш, кўчатнинг поясини кесиб кузатиш, дарахт барги рангларининг қандай пайдо бўлишини билиш ўқитувчидан жиҳоз талаб қилмайди-ку! Қолаверса, ўқувчининг ўзини ҳам ишлата билиш лозим. Ўқувчиларимиздан С.Абитаева, А.Зиёвуддинова, А.Иброҳимов, Д.Исматуллаева, Р.Жонибековлар туман олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллашида билимдон устозларининг ўрни катта бўлди.

Ўқишга қизиқиш оддий мактаблардан кўра гимназияларда кучли экани, унинг сабаби ҳақида Республика ижтимоий йўналишдаги махсус гимназия муаллимаси, ижодкор ўқитувчи Ҳалима Жуманиёзова шундай дейди:

— Ўқишга қизиқиш гимназияда кучли, сабаби ота-оналарга боғлиқ. Бизда ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади, бошланғич синфданоқ компьютер, инглиз тилини ўрганади. Ота-оналар бош масала қилиб фарзандининг камолини, ўқишини қўядилар. Тез-тез гимназияга келиб дарсларни кузатадилар. Бу эса ўқитувчини ўз устида кўпроқ ишлашга ундайди. Она тили фани ҳам гуруҳларга бўлиб ўқитилади. Ўқитувчи фаол ўқувчи билан шуғулланса, ўртачароғи тушунмай қолади. Қолоғига эътибор бераверса билағони зерикиб қолади. Ота-оналар кўпроқ ўз масалалари билан банд, ишдан чарчаб қайтгач, ҳар куни ҳам боласи кундалигини текширавермайди.

Ўқишга қизиқиш, барибир, сусаймаган. Ўғлим Дилшод лицейни тугатиб, юқори балл билан Молия институтининг банк-кредит факультетига кирган эди, ҳозир АКСЕЛС ташкилоти танловида 600 балл тўплаб ўқишини АҚШда давом эттирадиган бўлди.

Ота-оналар фарзанди ўқишидан хабардор бўлиб турса, назорат кучайса, дарсликлар содда бўлса, оилавий низоларга барҳам берилса, ҳомийлар мурувватини аямаса, асосийси, устоз кўп ўқиса, изланса, ўқувчиларда ўқишга, билим олишга қизиқиш, илмга чанқоқлик ортиб бораверади. Зеро, ўқувчининг билимли бўлиши у тарбияланаётган муҳитга бевосита боғлиқдир.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**
**Шарипбой МАШАРИПОВ**
**олган фотолавҳа.**

# ОЛМОН ТИЛИНИ ЎҚИТИШГА ЭЪТИБОР

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин умумтаълим ва олий ўқув юртларида хорижий тилларни ўқитишга катта аҳамият берила бошланди. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га асосан фанларни ўқитишнинг "Давлат таълим стандарти" ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Юқорида қайд этилган расмий ҳужжатлар асосида "Олмон тили" ўқув дастури ҳам тайёрланиб, нашр этилди.

Ушбу ҳужжатларни амалиётга тўғри татбиқ этиш мақсадида умумтаълим мактаблари учун янги ўқув режа яратилди. Бу ўқув режанинг олдинги ўқув режалардан фарқи шундаки, олдинги ўқув режага асосан таълим турли тилларда олиб борилаётган мактабларда хорижий тиллар ҳам турлича ўқитиларди. Масалан, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда хорижий тилларни ўқитишга ҳафтасига 3 соат ажратилган бир пайтда, таълим бошқа тилларда олиб борилган мактабларда ушбу фанни ўқитишга ҳафтасига 2 ва баъзан ундан ҳам кам дарс соатлари ажратилар эди.

Ҳозирда хорижий тилларни ўқитишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида умумтаълим мактаблари учун яратилган ўқув режага асосан таълим ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, қорақалпоқ ва туркман тилларида олиб бориладиган барча мактабларга ҳафталик соатлар миқдори бир хил қилиб белгиланди. Яратилган Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари ҳам бир хил талаб асосида ишланди.

Янги ўқув дастурлари бўйича янги дарсликлар ҳам яратила бошланди. Бугунги кунда олмон тилида давлат таълим стандарти талабига жавоб бера оладиган янги дарсликлар қаторига яқинда нашр этилган 5-синф дарслигини ҳамда бу йил нашр этилаётган 6-синф олмон тили дарсликларини мисол қилиб олишимиз мумкин. Дарсликларнинг янги авлодини яратишга Халқ таълими вазирлиги катта эътибор бермоқда. Шу мақсадда кўпгина дарслик қатори олмон тили дарсликларининг 7—9-синфлари учун танлов эълон қилинди. Танловдан ўтган дарсликлар 2002 йилнинг сентябрь ойигача нашр этилиши режалаштирилмоқда. Шу кунларда муаллифлар гуруҳи дарсликларни ўқитувчи китоби билан бир мажмуа тарзида ўз вақтида ёзиб тугатиш мақсадида изланишдалар.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ўқувчиларда хорижий тилларни, шу жумладан, олмон тилини ҳам ўрганишга қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Ўқувчиларнинг қизиқишларини янада орттириш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 1996 йил 27 декабрдаги 12/2 қарорига асосан ўқувчиларни олмон тилига ўргатиш бўйича Тошкент шаҳридаги 60-мактабда ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилди. Ушбу таълим маскани олмон тилини мукаммал ўргатишга мослаштирилганлиги учун, ўқувчилар мазкур фанни 2-синфдан бошлаб ўрганадилар.

Мактабда ўқувчиларга Олмониядан келган ўқитувчиларнинг ҳам дарс беришлари, айниқса, аҳамиятли бўлмоқда. Таъкидлаш лозимки, 1994 йилдан буён ушбу мактабда таълим олган 6 нафар ўқувчи республика фан олимпиадасида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Ғолибликни қўлга киритган аксарият ўқувчиларга таълим ва тарбия берган Нелля Тукшаитованинг номини қайд этмасдан бўлмайди, албатта. Катта ўқитувчилик иш фаолиятига эга бўлган Нелля Тукшаитованинг ўқувчиси Юлия Рафикова 2001 йил олмон тилидан ўтказилган республика фан олимпиадасида 1-ўринни қўлга киритди. Қисқаси, юртимизда бу фан ривожи йўлида ҳам кўплаб ижобий ишлар қилинмоқда.

**Т.ОЧИЛОВ,**
**Республика таълим маркази методисти**



## МАКТАБДА "СУД"

Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туманидаги 7-мактабнинг ўқувчилар, ота-оналар билан лиқ тўлган маънавият хонасида "суд" жараёни бошланди. Унда пул эвазига диний оқимларга қўшилиб, ватанига хиёнат қилган йигитнинг "жиноий иши" кўриб чиқилди.

Эҳтимол, айбланувчи шу даргоҳнинг ўқувчиларидан бири бўлса керак, деган фикрга борган бўлсангиз керак. Йўқ, асло ундай эмас! Аксинча, мактабнинг зукко, теран фикрли 8-"Г" синф ўқувчилари моҳирона намойиш этишган юқоридаги тахлит саҳна кўриниши орқали "Огоҳлик— муқаддас бурч" мавзуидаги давра суҳбати олиб борилади. Терроризм, диний экстремизм, турли ғайриинсоний оқимлар томонидан содир этилаётган қўпорувчилик ҳаракатларининг аянчли ва мудҳиш оқибатларини очиб бериш, улардан тўғри хулоса чиқариш каби фикр-мулоҳазалар ўзаро мулоқотнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил қилди. Бухоро шаҳридаги "Файзиобод" масжиди имом хатиби Отабек Авезов ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Синф раҳбари, "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фани ўқитувчиси Замира Деҳқонова юқори савияда уюштирган бу тадбир якунида касаба уюшмалари вилоят қўмитаси раисининг муовини Шаҳодат Ихтиёрова ота-оналар номидан сўзга чиқди. У давра суҳбатининг ёш авлод маънавий камолотидаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, фаол иштирок этган ўқувчилар, синф жамоасини китоблар мажмуи билан тақдирлади.

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**Суратда: Замира Деҳқонова ўқувчилар билан тадбирга ҳозирлик кўраётган пайт акс эттирилган.**

# ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИСИНИНГ БИР КУНИ

***Юртимиз истиқлолга эришгач, мамлакатимиз ёшларининг илм олишга бўлган интилишлари кун сайин ошиб бормоқда. Айниқса, бугунги кунда таълим тизимида олиб борилаётган кенг ислоҳотлар натижасида республикамизнинг энг чекка ҳудудларида янгидан-янги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг барпо этилиши, уларнинг жаҳон андозалари даражасидаги кўргазмали қуроллар, ўқув-техника воситалари билан жиҳозланиши бу борада ёш йигит-қизларимиз учун давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратилаётганлигининг ёрқин далилидир. Шундай экан, айни пайтда ана шундай муҳташам биноларда таҳсил олаётган лицей ўқувчиларию касб-ҳунар коллежлари талабаларининг бугунги қиёфаси қандай? Улар ўзларига яратилган шарт-шароитлардан нечоғли самарали фойдаланишмоқда? Мақоламизнинг қаҳрамони, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейи ўқувчиси Эркинжон Файзиевнинг бир кунига чизгилар беришда биз ана шу саволларга жавоб изладик.***

## ЭРТАЛАБ

— Болагинам, тура қол, соат ҳам олти бўлди. — Унинг эрталаб эшитган илк сўзи шу бўлди. Бу унинг меҳрибон ойисининг товуши. — Тура қол, болам. Вақтли туришнинг хосияти кўп. Худойим вақтли турганларга ризқ-насиба улашади. Яратганнинг ризқ-насибасидан бебаҳра қолмагин, тура қол.

— Хўп...

Одатда ювиниб бўлгач, унинг биринчи қиладиган вазифаси 15 дақиқалик бадантарбия машғулотлари бўларди. Лекин бугун Эркин хонасига қайтдию биринчи қилган иши деразани очиб, уйга тоза ҳаво киритиш бўлди. Кўчага назар солар экан, (у кўп қаватли уйда турарди) унинг димоғига ҳақиқий баҳор иси "гуп" этиб урилди, бу исдан у тўйиб-тўйиб нафас оларкан, хаёлига бугунги режалаштирган ишлари келди: тарихдан берган вазифаларга жавоб бериб, яхши балл олиш, адабиётдан Гулханийнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда "Зарбулмасал" асари ҳақида сўзлаб бериш, дарсдан сўнг эса, эртага бўладиган иқтисодий билим асослари фанига тайёргарлик кўриш учун кутубхонага бориш...

Нонуштадан сўнг, кеча тайёрлаган дарсларини такрорлаш учун қўлига китоб олди. Агар билсангиз, кечки пайт ўн марта битта мавзуни ўқигандан, эрталаб бир марта ўқиган афзалроқ...

— Ҳали ҳам кийинганинг йўқми? — ойисининг гапларини эшитиб у дарҳол соатига қаради: 7 дан 30 дақиқа ўтибди. Дарҳол китоб-дафтарларини жойлаб, кийинишга тушди.

Эшикдан чиқаётганида, одатдагидек, ойиси қўлларини дуога очиб, ишларида ривож, ўқишлари ҳамиша аъло бўлишини тилади. Фотиҳадан сўнг ҳар доимги гапларини такрорлашга тушди:

— Ҳой, машина йўлидан эҳтиёт бўлиб ўтгин, кўчада болалар билан уришмагин, ёмон болаларга қўшилмагин...

— Хўп, хўп, — дея у шошиб чиқиб кетди.

Қизиқ, ҳар куни шу насиҳатларини такрорлайдилар. Бир томондан унинг жаҳли ҳам чиқади. Нима, у ёш болами? Лицей ўқувчиси бўлса! Лекин, онасининг ҳақ гапни гапираётганларини ич-ичидан ҳис қилди у. Она, минг қилсаям она-да, фарзандининг ҳамиша соғлом, одобли бўлиб юришини хоҳлайди...

Ташқарига чиқдию ҳаёт оқимига шўнғиб кетди. Ишга, ўқишга кетаётган одамларга назар солар экан, барчанинг қалбида баҳорий кайфият ҳукмронлик қилаётгани юзларидан маълум эди...

## ЛИЦЕЙДА

Эркин дўстлари билан бир-бир сўрашиб бўлгач, соатига қаради: 8 дан 15 дақиқа ўтибди. Дарс бошланишига 15 дақиқа вақт бор. Латтани ҳўллаб чиқиб, бўр билан бирга доска ёнига қўйди...

Тарих ўқитувчиси синфга киргандан сўнг, ҳамма баралла ўрнидан туриб устоз билан саломлашди. Устоз йўқлама қилиб бўлгач, бугун оғзаки сўров куни эканлигини айтиб ўтдилар.

— Ким биринчи бўлиб жавоб бермоқчи?

— Мен, — дея жавоб берди Эркин.

— Чиқа қол.

Доскага чиқар экан, унинг вужудини негадир ҳаяжон қоплаб олди. Ўқиганларининг барчасини гапириб бўлгач, унга битта қўшимча савол берилди. Эрталаб туриб ўқиганлари, қўшимча саволга жавоб беришида катта ёрдам берди. Аъло баҳони қўлга киритиб, хурсанд бўлганича жойига бориб ўтирди...

Катта танаффус лицейда тушлик қиладиган вақт ҳисобланади. Лицейнинг ихчамгина ошхонаси бу пайт талабалар билан гавжум бўлади. Кимдир овқат, кимдир чой олаётган, яна кимдир шу ердаям китоб титкилаётган... Хуллас у ҳам "эл қатори" шу ерда тушлик қилди...

## АДАБИЁТ ДАРСИДА

Ўқув хонасига қайтганида дарс бошланишига 10 дақиқа вақт бор эди. Китобини қўлига олдию Гулханийнинг ҳаёти ва ижодини такрорлашга тушди.

Лицейда энг қаттиққўл ўқитувчи Раҳим ака ҳисобланади. Дарсларида ҳатто "пашша учгани" эшитилади. Домла дарсга киргач, у китобини ёпиб, бир четга суриб қўйди.

Яхши кайфият ила дарс ҳам бошланди...

У "Зарбулмасал"ни тўлиқ гапириб бермоқчи эдию, бироқ ундан бошқа ўқиб келган дўстлари кўп бўлганлиги учун, ярмини гапириб бериши кифоя бўлди. Дарс сўнггида Шерзод, Баҳром, Шуҳрат ва у аъло баҳо олганини эшитиб, хурсанд бўлди.

Негадир шу тобда онасининг эрталаб айтган гаплари ёдига тушди: "Худойим вақтли турганларга ризқ-насиба улашади... "У бу гап нақадар тўғрилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Дарҳақиқат, бугун унга Яратган ўзининг насибасини — яхши баҳоларни улашди.

## КУТУБХОНАДА

Эртасига иқтисодий билим асосларидан ёзма иш бўлиши эълон қилинган эди. Унга тайёргарлик кўриш учун "анча-мунча" китоб керак бўлади. Шунинг учун, дарсдан сўнг дўсти Отабек билан кутубхонага йўл олар экан, унинг қалбида ҳамон эрталабки баҳорий кайфият ҳукмронлик қиларди...

ТДИУнинг кутубхонаси китобларга жуда бой, айниқса, иқтисод фанига доир адабиётларга. У ерга борганларида одатдагидек талабалар кўп экан. Улар ҳам керакли китобларни олиб секингина ўқув хонасига ўтишди. У ер талабаларга тўла бўлгани билан сув қуйгандек жимжит. Ҳамма ўзининг дарсини қилиш билан овора. Тенгдошлари ҳамда университет талабаларининг самимий чеҳраларига назар ташлар экан, у Ўзбекистонда ўқишга, илмга, билимга чанқоқ ёшлар кўп эканлигига яна бир карра амин бўлди... Кутубхонадан чиқиб, дўсти билан хайрлашиб, уйига йўл олди.

## УЙДА

Уйига келганида соат 16 дан 40 дақиқа ўтган экан. Дарҳол, уй кийимларини кийиб, қорининг "оҳу ноласига" барҳам бериш учун ошхонага йўл олди. Овқатланиб бўлгач, онасига уй ишларида бироз ёрдамлашиб, сўнг маҳалладош дўстлари билан футбол ўйнагани чиқиб кетди.

Тўғри-да, инсон яхши дам ҳам олиши керак-ку. Ишонсангиз, футбол Эркин учун дам олиш, ҳордиқ чиқариш демакдир...

Уйга қайтгач эртага бўладиган дарсларини тайёрлади. Телевизордан сўнгги янгиликларни эшитди. Ўрнига ётар экан, одатдагидек, бугунги ишларини сарҳисоб қилишга тушди.

Ёшлик даврида ўқиш, билим олиш учун ёшларга катта шароит яратиб бераётган Ватанимиз ҳақида мамнуният билан ўйлади.

**Нурлан УСМОНОВ,**
**«Ma'rifat»нинг махсус мухбири**

*Билим юртининг ҳар бир талабаси биттадан ниҳол қадашиб, ўзига хос ёшлар боғининг барпо этилишига замин яратишди.*

*Навоий туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан "Зарафшон" ширкат хўжалиги ҳудудида 100 ўринли янги "Булбулча" боғчаси тантанали очилиб, болажонлар ва ота-оналар қувончини оширди.*



# НАВРЎЗ — ЯХШИЛИК ВА ЭЗГУЛИК БАЙРАМИ

**Bayram xabarlari**

Нарўзи олам тантаналари Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда ҳам кенг нишонланди. Институт жамоаси, гуруҳлар тингловчилари, фахрий педагоглар иштирокидаги байрам бир пиёла чой устида суҳбат шаклида ташкил этилди.

— Байрам аввалида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбири ўтказилди, — деди институт ректори Жўра Йўлдошев. — Унда жамоамизга институтда малакасини ошираётган 270 нафарга яқин курс тингловчилари кўмакка келишди. Баҳамжиҳатликда ободончилик ишлари амалга оширилди, 500 туп мевали ва манзарали дарахтлар, 200 туп гул кўчатлари ўтқазилди.

Дарҳақиқат, Наврўз — ажойиб айём. Бу айём кунлари энг яхши тилаклар билдирилади, эзгу, савоб ишлар амалга оширилади, кексалар йўқланади. Шу маънода институтда фахрий педагогларга алоҳида иззат, ҳурмат кўрсатилганини қайд этиш жоиз. Чунончи, шу куни институтда узоқ йиллар ишлаган, биолог сифатида ушбу масканда боғ-роғлар яратишга бошқош бўлган Бадриддин Тожиддиновга миллий либос — тўн ва дўппи тақдим қилинди. Бадриддин ота ва бошқа фидойи устозлар шаънига илиқ сўзлар айтилди.

Даврага Баҳорой кириб келади. Сўнгра курс тингловчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда санъат бобидаги иқтидорларини намойиш қилишди. Улар йиғилганларга лапар, ёр-ёр айтиш, чанқовуз, сибизғада куй чалиш усуллари билан байрам табригини йўллашди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, таниқли шоир Сирожиддин Саййид ҳам йиғилганларни баҳор айёми билан қутлаб, янги шеърларидан ўқиди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Намозов эса ўзининг шўх куй-қўшиқлари билан даврага янада файз киритди.

**Қ.МАТҚУРБОНОВ**

***Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли 65- катталар таълими марказида ҳам фасллар келинчаги бўлмиш Наврўз ўзига хос тарзда кутиб олинди. Унга мактабнинг ўқитувчилари, ўқувчилари билан бирга шу илм даргоҳида 30-40 йиллаб ишлаган нуроний устозлар ҳам таклиф қилинди.***

***Тантанага "Аҳиллик" маҳалласи раисаси Раънохон Ҳакимова ҳам ташриф буюриб, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини бундан кейин ҳам мустаҳкамлаш, тадбирларни биргаликда ўтказиш тўғрисида фикр юритди...***

***Байрамларда қарияларга эҳтиром кўрсатиш анъанага айланиб бораётганлиги қувонарлидир. Шу маънода марказ раҳбари Марям Қодирова ва Нелля Харисовалар фахрийларга эсдалик совғаларини топшириб, дил сўзларини баён этишди.***

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,**
**марказнинг собиқ ўқитувчиси,**
**фахрий педагог**

Яккасарой туманидаги инглиз тилига ихтисослашган 91-мактабда ҳам Наврўзи оламга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Дастурхонга баҳорий таомлар тортилиб, байрам қатнашчиларига ўқувчилар томонидан тайёрланган саҳна чиқишлари намойиш этилди.

Шунингдек, мактаб жамоаси томонидан ташкил этилган "Саҳоват клуби" аъзолари кекса отахону онахонларга ҳадялар улашишди. Кечага қатнашиш имкониятига эга бўлмаган айрим кексаларининг уйларига совғалар элтиб берилди.

Тадбир сўнггида иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тамара опа ва Ҳакимжон акалар ўзларига кўрсатилган бундай меҳр-оқибатдан хурсанд эканлигини билдиришди.

**Н.ХОЛМЕТОВА**

## АЙЁМ ШУКУҲИ

Андижонда Наврўз шукуҳи янада ўзгача тус олди. Байрамда халқ таълими тизимида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, фахрийликка чиққан отахон, онахонлар бир пиёла чойга таклиф этилдилар. Андижон шаҳридаги муҳташам тантаналар саройида бўлиб ўтган айём устозларнинг кўнгилочар суҳбатларига айланиб кетди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келган қарияларни вилоят халқ таълими бош-қармасининг бошлиғи Т.Мирзаев, республика "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Т.Топволдиев, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти проректори Ж.Халилов, Хўжаобод тумани халқ таълими бўлими фахрийлар кенгаши раиси Х.Карамхўжаев, фахрий О.Олимовлар муборакбод этдилар.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Т.Мирзаев тадбир қатнашчиларига байрам совғаларини топширди. Хонанда ва созандалар кечага файз киритдилар.

**О.СИДДИҚОВ**

## БИТТАДАН НИҲОЛ ЎТКАЗИШДИ

*Айни кунларда янгиланиш, яшариш фаслини олиб келган Наврўз байрами шодиёналари юртимиз бўйлаб давом этаётир. Пойтахтимиздаги 1-Тошкент педагогика билим юртида ҳам баҳор байрамига тайёргарлик анча илгари бошлаб юборилди. Бу ерда ҳар йилгидек кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилган бўлиб, шунинг асосида билим юртининг ҳар бир талабаси биттадан ниҳол ўтказиб, ўзига хос ёшлар боғининг барпо этилишига замин яратишди. Бундан ташқари, педагогика билим юртининг атрофига икки мингга яқин гул кўчатлари экилиб, тўққиз гектар ер майдони тўлиқ ободонлаштирилди.*

*— Байрам тантаналари гуруҳлараро ўтказилган миллий дастурхонлар кўрик-танлови билан бошланди, — дейди маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини Ўринбой Бобоёров. — Зеро, бизнинг илм масканимизда кўплаб бошқа миллат вакиллари ҳам таҳсил олишади. "Бахт карвоним, юрак созим — Наврўзим!" мавзусидаги бадиий-мусиқий кеча эса ҳар бир қатнашчида олам-олам таассурот қолдирди.*

*Шу куни билим юртида анъанавий тарзда 11 йилдан буён тайёрланиб келаётган кўклам таоми — сумалак кекса педагоглар, нафақадаги ходимлар ва меҳмонларга тортиқ этилди. Билим юрти ўқитувчиларига пул мукофотлари, бу ерда таҳсил олаётган етим болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандларига моддий ёрдам берилди.*

**Н.УСМОНОВ**



### ТАНТАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Куни кеча пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек тумани 280-болалар боғчасида "Тошбозор-тайёрловсавдо" тизимидаги "Наврўз" универсал бозори акционерлик жамияти томонидан Наврўз байрами ташкил қилинди.**

**Ушбу байрамда катта дошқозонда ош дамланиб, боғча болаларига улашилди, шунингдек, шу атрофдаги маҳалла қариялари чақирилиб, бир пиёла чой устида суҳбат уюштирилди.**

**Байрам сўнгида тарбияланувчи болаларнинг ҳар бирига совға-саломлар берилди.**

**— Бундай ёрдамларни тумандаги 105-мактабга, яна режамиз бўйича бир неча мактабларга улашмоқчимиз, — дейди "Наврўз" универсал бозори раиси Турғун Исмоилов.**

**Суратда: болалар боғчаси тарбияланувчиларига совғалар улашилаётган пайт.**

**Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат**

# "ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК" — ИШОНЧЛИ ШЕРИК

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар бугун барча соҳаларда ўз самарасини бера бошлади. Ўзбекистоннинг энг кўҳна ва йирик банкларидан бири бўлган "Ўзсаноатқурилишбанк" ва унинг мамлакатимиз турли минтақаларида жойлашган 47 та филиалларида замонавий хизмат турлари юзага келди. 1922 йилда ташкил этилган бу даргоҳ, кейинги ўн йил ичида жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга жаҳон андозалари даражасида молиявий хизмат кўрсатишга эришди. Тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи шахслар бугун "Ўзсаноатқурилишбанк"ни энг ишончли шерик сифатида тан олишмоқда.

Банк томонидан жорий этилган қисқа муддатли омонат турларини аҳоли мамнунлик билан қабул қилиб олаётир. Шу туфайли ҳам бу тизимдаги мижозлар сони, қўйилаётган омонатлар ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2001 йилда омонатлар қолдиғи 2002 йилга нисбатан икки бараварга ўсганлигини кўрамиз. Айниқса, банк депозитлари аҳоли жамғармаларини кўпайтиришнинг энг оммавий шаклига айланмоқда. Бугун банкка ташриф буюрган мижоз омонат турларининг кўплигидан улардан қай бирини танлашга ақли шошади. Чунки омонатларнинг ҳар бири ўзига хос жиҳатларга эга. Масалан, ўтган йили жорий этилган "Умид" омонат турини олайлик. У муомалага киритилган дастлабки кунларданоқ аҳоли эътиборини ўзига тортди. Чунки, қимматбаҳо саноат молларини сотиб олиш истагида бўлганлар бу имтиёздан самарали фойдаландилар. Унинг аҳолига қулай тарафи шу бўлдики, омонатчи сотиб олинадиган товарнинг 50 фоиз қиймати миқдоридаги пул маблағини «Умид» омонатида йиғгандан сўнг, банкда истеъмол кредитини расмийлаштирса бўлди. Маблағ шу куниёқ мижознинг хариди учун дўконга ўтказилади. Сиз эса, ўша, кўнглингизга ўтирган нарсани, гарчанд ҳамёнингиздан унинг тўлиқ қийматига лойиқ пул бўлмаса-да, харид қилиш имкониятига эга бўласиз.

Банк жамоаси ўз имкониятларини кенгайтира бориб, аҳолига сўмдаги омонатлардан ташқари, икки турдаги валюта омонатини ҳам жорий этди. Бу омонат турларида хорижий эркин алмаштириладиган чет эл валюталари сақланади. Унинг оддий тартиб-қоидаси шундай: омонатчилар биринчи талабдаёқ ўз жамғармаларини чет эл валютасида олишдан ташқари бу омонатнинг фоизларини ҳам хорижий валютада олишлари мумкин. Талаб қилиб олинувчи омонатлар бўйича валюта фоизлари йиллик 5 фоизга, муддатли омонатлар бўйича эса 6 фоизга тенг.

Бугунги кунда аҳолига энг мақбул бўлган яна бир омонат тури ҳақида тўхталиб ўтамиз. У "Маиший хизмат тўловига" деб аталади. Сиз бу омонат туридан ҳисобланган фоиз даромадидан маиший хизмат ҳақлари ва электр энергиясидан фойдаланганлигингиз учун, сув, телефон хизмати тўловлари учун фойдаланишингиз мумкин. Агар сизда бу хизмат турига зарурат сезилса, банкнинг исталган филиалига ташриф буюриб, ўз ҳисоб рақамингизга икки йиллик тўловлар учун етарли миқдорда маблағ қўйсангиз кифоя. Сизнинг маблағингиз учун йиллик 50 фоиз ҳисобидан даромад ёзилади. Булардан ташқари, банкнинг шундай омонат турлари борки, уларда ҳар ойлик даромад 3,5 фоизни ташкил этади. Бу рақам Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқоридир. "Келажак" омонати мижозга ҳар ойлик бўнак фоизларини у пулни омонатга қўйиш пайтида олиш ҳуқуқини беради. Янада соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, масалан, Сиз 100 минг сўм маблағ қўйдингиз, унинг 3,5 минг сўмини шу заҳотиёқ бир ойлик фоиз сифатида олдиндан олишингиз мумкин. Агар ойлик фоиз даромадларни ҳар ойда олмасангиз, у ҳолда даромад суммалари йиғиндиси 1 йилда 51,1 фоизга етади.

Банк жамоаси қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантиришда ҳам фаол иштирок этмоқда. Шу боис банкнинг 159 та омонат кассаларида аҳолига омонат сетификатлари мунтазам сотилмоқда. Бу қимматбаҳо қоғозларни харид қилган мижозлар ҳозиргача кам бўлишгани йўқ. Чунки сертификат эгасига орадан маълум муддат ўтгач, белгиланган миқдорда даромад тўлаб борилади. Бу хизмат тури ҳам аҳоли ишончини тўлиқ оқлади. Шундан бўлса керак, 2001 йилда 3 ойга чиқарилган биринчи эмиссия тўлиқ сотилди. Иккинчи эмиссия эса 6 ой муддатга чиқарилди. Сертификатларнинг номинал қиймати 10, 25, 50 минг сўм бўлиб, даромад йиллик 36 фоизни ташкил этади.

Банк жамоаси аҳолига жаҳон андозалари даражасида турли хизмат турлари кўрсатиш билан бир қаторда, етакчи хорижий ва республика кредит ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни муттасил ривожлантирмоқда. Жаҳондаги бир қатор йирик молия институтлари билан вакиллик муносабатлари ўрнатилди. Булар — "UBS", "Dresdner Bank", "Deutsche Bank", "Citi Bank", "Midland Bank", "JP Morgan" ва бошқалардир. Банкнинг халқаро майдондаги обрўси ошиб бораётганлиги унинг хизмат тизимларини янада мукаммаллашишига олиб келаётир.

Банк жамоаси мижозлар ишончини оқлашга ҳаракат қилар экан, кредит сиёсатида ҳам муайян ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу Ўзбекистонда тадбиркорликни ишончли кредитлашни ташкил этишда жамоанинг ўз услубининг шаклланишига олиб келди. Натижада, муддати ўтган қарздорлик умуман бўлмаган ҳолда кредит портфели 1,5 маротабага ўсди. "Ўзсаноатқурилишбанк" биргина 2000 йилда "Шўртангаз" кимё мажмуи, Қўнғирот сода заводи, Толлимаржон ГРЭСи, "Чирчиққишхўжмаш" ОТАЖ каби йирик иншоотларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва қуришда ўз кредитлари билан иштирок этди.

Халқаро молия институтлари маблағларини ўзлаштириш бўйича ҳам фаол иш олиб борилди. Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан 1999 йил охирида имзоланган қарз битимига кўра кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш доирасида банк томонидан 4 та лойиҳа маъқулланди.

Умуман олганда, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг бугунги фаолияти маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга, мамлакатимизда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширувчи, ички бозорни импортбоп маҳсулотлар билан тўкин-сочин қилишга кўмаклашувчи самарали лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Энг асосийси, банк жамоаси ҳар бир соҳада мижозларнинг ишончини оқлашга эришди. Шу боис, аҳоли бугун "Ўзсаноатқурилишбанк"ка ишончли шерик сифатида қарамоқда.

**Ўз мухбиримиз**

## ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

*Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши шарофати билан хорижий мамлакатлар билан мустаҳкам дўстлик алоқалари боғланди. Иқтидорли ёшларнинг чет элга бориб ўқишлари учун имкониятлар яратилди. Шу боис, ота-оналар ҳам фарзандларини чет тилини ўрганишга қизиқтирмоқдалар. Тил ўрганиш учун эса дарснинг ўзи кифоя қилмайди.*

*Мактабларда чет тили фанидан очиқ тарбиявий соатларни ўтилиши ўқувчининг нутқини бойитади, шунингдек, бу тадбирларни ўтказишда ўқувчиларнинг ўзлари ҳам ижодий изланадилар.*

*Жумладан, "Тили ўрганилаётган мамлакат" мавзусидаги тадбирларда ўқувчилар инглиз тилида гаплашадиган мамлакатлар — Англия, Американинг диққатга сазовор жойлари, машҳур кишилари, байрамлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар.*

*Бирор хорижий тилда ўтказиладиган "Ўзбекистон менинг Ватаним" мавзуси орқали эса ўқувчилар ўзлари туғилиб ўсган, вояга етаётган замин — Ўзбекистон тупроғи нақадар муқаддаслиги, бу жаннатмакон юртнинг ҳар бир гиёҳи, зилол сувлари жон қадар азизлигини тушуниб етадилар. Жонажон юртимизда осмонўпар бинолар қураётган, шаҳримизни гўзал масканларга айлантириб, унинг гуллаб- яшнашига ўз ҳиссасини қўшаётган замондошларимизга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари ривожланади.*

**Гулчеҳра КАРИМОВА,**
**Юнусобод туманидаги**
**274-мактаб инглиз тили**
**ўқитувчиси**

**Наврўз чечакларига кўз тутган Навоий вилояти меҳнаткашлари қаторида халқ таълими муассасалари, олий ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ва ўқувчи-талабалар Навоий шаҳридаги Алишер Навоий номидаги боғда ўтказилган оммавий бадиий-маърифий ва спорт**

## НАВОИЙДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ

**тадбирларида қатнашиб, завқ олдилар.**

**Олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида ишлаб чиқарилган турли хилдаги уй-рўзғор буюмлари ва қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бериш қуроллари кўргазмасида Навоий қурилиш ва Кармана қишлоқ хўжалиги коллежларининг қўли гул талабалари томонидан яратилган намуналар кўпчиликнинг диққатини ўзига тортди.**

**Шунингдек, Навбаҳор, Хатирчи, Нурота, Қизилтепа, Кармана туманлари мактаблари қошида ташкил этилган тикувчилик, зардўзлик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, мусиқа асбоблари тўгараги аъзолари томонидан яратилган буюм намуналари диққатга сазовор бўлиб, ўз харидорларини топиб, мактабларга яхшигина даромад келтирди.**

**Шу куни Навоий туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан "Зарафшон" ширкат хўжалиги ҳудудида 100 ўринли янги "Булбулча" боғчаси тантанали очилиб, болажонлар ва ота-оналар қувончини оширди.**

**Навоий боғи мажмуасида янги қурилиб, ишга тушган "Алпомиш" соғломлаштириш спорт марказининг ёшлар ихтиёрига топширилганлиги ҳам ўқувчи-ёшларимизни севинтирди.**

**Ўткир ПЎЛАТ**

# АХБОРОТ ИЛМИ БИЛИМДОНИ

**Fanimiz fidoyilari**

*Машҳур олим, кибернетиканинг отаси Норберт Винер "Мен — математик" китобида "Агар математик олим мартабасининг аста-секин тубанлашишини истамаса, ўз ижодий кучларининг барқ уриб гуллаган даврини танлаган йўналишда умр бўйи самарали ишлаш имконини берадиган фаннинг номаълум соҳасини излашга бахш этиши лозим", деб ёзган эди. Иқтисод фанлари доктори, профессор Мадаминбек Эрматов учун бу соҳа халқ хўжалиги жараёнларини макроиқтисодиёт моделлаштириш назарияси ва усуллари бўлди, десак тўғри бўлар. Чунки олим шу йўналиш бўйича мактаб яратди.*

*Унинг асосий илмий ютуқлари ҳақида гап борганда қай бирига алоҳида эътибор қаратишни ҳам билмай қоласан, киши. Чунки уларнинг ҳар бири ўзига хос, муҳим илмий тадқиқотлардир. Олим республика ҳудудий иқтисодиётини бошқариш муаммоларини иқтисодий математик моделлаштириш назарияси ва усулларини яратди. Ҳудудий иқтисодиёт фаолиятининг муқобил вариантларини тузиш усулларини, дастур воситаларини, шунингдек, тармоқлараро автоматлаштирилган бошқариш тизимларини ишлаб чиқди. Режа ҳисоблари, молия ҳисоби, автомобиль транспорти соҳасида ташкилий тизимларни яратиш усулларини барпо этди. Айниқса, олим томонидан ишланган ҳудудий иқтисодий фаолият моделлари ва усуллари, шу жумладан республика ташқи иқтисодиёт модели, ахборотлани жамлаган ҳолатда қайта ишлаш усуллари иқтисодий кибернетика назариясига қўшилган катта ҳисса ҳисобланади.*

*— Мен Мадаминбек Эрматовни қарийиб ярим асрдан буён биламан, — дейди академик Восил Қобулов. — Ҳозир кибернетика институтида бирга илмий фаолият олиб боряпмиз. Шу давр ичида М.Эрматов республикада автоматлаштирилган бошқариш тизимини бапо этишда фаол қатнашган ва бу соҳада кўплаб китоблар, илмий мақолалар ёзган. Илмий тадқиқотлар олиб бориш билан бирга олим ёшларга кибернетика ва ахборот асосларини ўзлаштириш соҳасида устоз ҳамдир.*

*Олим 140дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Қирқ бир нафар фан номзоди ва уч нафар фан докторининг устози. Кўп йиллар давомида катта илмий, ташкилий ва жамоат ишларини бажарган М.Эрматов иқтисодиёт соҳасида докторлик, фан номзодлигини ёқлаш бўйича ихтисослашган кенгашлар аъзоси. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мадаминбек айни пайтда адабиёт, санъат шайдоси. Суҳбати ширин, дилкаш ўртоқ, дўст ҳамдир.*

**Муҳсин ОЛИМОВ**

# КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

— Ҳисоблаш техникаси ва унга асосланган янги ахборот технологияларини халқ хўжалигининг барча жабҳалари, хусусан, таълим тизимига киритилиши даврнинг муҳим талабидир. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонунида республика халқ хўжалигини ахборотлаштириш шароитларида ўқитилиш жараёнларини компьютерлаштиришнинг аҳамияти алоҳида таъкидланган. Сирасини айтганда, компьютер таълимини йўлга қўйиш мақсадида 1980 йилларнинг бошларида республикамиз мактабларини компьютер техникаси билан таъминлашнинг бошланиши ва таълим дастурига "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" фани киритилган эди. Мустақилликка қадар 8000 та мактаб ва бошқа таълим муассасаларидан 2500 га яқини ДВК-1, ДВК-2, АГАТ-7, АГАТ-9, ПРАВЕЦ-8 компьютерлари билан таъминланганди. Мустақилликдан сўнг ҳукуматимиз томонидан ўқув муассасаларини замонавий компьютер ускуналари билан таъминлашга катта эътибор қаратилди ва қаратилмоқда. 1996 йил компьютер билан таъминланган мактаблар 4,500 тани, яъни фоиз ҳисобида 50 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда республика Халқ таълими вазирлиги ўқув муассасаларини, асосан, IBM компьютерлари билан таъминлашга асосий эътиборни қаратмоқда.

**—"Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" фанини дастурлар билан таъминлаш қандай ҳал этилмоқда?**

— Компьютер саводхонлигини оширишда ҳисоблаш техникасидан ташқари IBM нинг дастурий таъминоти ҳам катта аҳамиятга эга. Аввалги дастурий таъминотнинг кўплаб камчиликлари мавжуд эди. Хусусан, дарс ўтиш учун муҳим бўлган, дастурий таъминотнинг таркибий қисми ҳисобланадиган педагогик дастурий воситалар IBM компьютерининг кўпгина турларида йўқ эди. Дастурлар эса мазкур фан ўқитувчилари томонидан эмас, балки соҳа мутахассислари, физик ва математиклар томонидан ишлаб чиқиларди. Дастурларнинг асосий қисми рус тилида тузиларди ва улар ўзбек тилига таржима қилинмас эди. Бу борадаги аҳвол ҳам 1991 йилдан яхшиланди. Ҳозир эса дастурни ўқитувчилар тузмоқда. Ҳар 2 йилда энг яхши педагогик дастурий воситалар кўргазмалари ўтказилади ва уларда энг яхши педагогик дастурий воситалар мутахассислар томонидан аниқланади. Уларнинг муаллифлари рағбатлантириладди. Шундай қилиб, 1994 йилда энг яхши педагогик дастурий воситалар 9 та бўлган бўлса, 1997 йилга келиб уларнинг сони 90 тадан ошди. Мактаблар компьютерлар билан таъминлана бошлагач, "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари"нинг дастури ва режалари пайдо бўла бошлади. Лекин уларда компьютернинг турлари ҳамда улар ўрганилаётган жойларнинг ҳудудий-миллий ўзига хослиги эътиборга олинмаган эди.

**—Таълим соҳасини ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш дастурининг муҳим ва асосий мақсадлари нималардан иборат?**

—Таълим муассасаларини янги ахборот технологияси ҳамда таълим ва бошқарувда қўллаш имкониятини берадиган ҳисоблаш техникаси билан таъминлаш, соҳадаги ходимларни янги ахборот технологиясини ишлата олишга, ундан фойдалана олишга ўргатиш; мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб олий ўқув юртларидан кейинги малака ошириш курсларида ҳам узлуксиз компьютер таълимини ташкиллаштириш; ўқув жараёнини кучайтириш ва ўқитиш сифатлари даражасини ошириш; сифатли педагогик диагностикани ўтказиш; касбга йўналтириш; соҳани ахборотлаштиришнинг аппаратлашган ва дастурий воситаларини сертификатлаш давлат тизимини яратиш; кадрларни қайта тайёрлаш, давлат ходимлари малакасини оширишни такомиллаштириш ва ҳоказолардан иборат.

**— Мазкур соҳада тинимсиз фаолият юритиб, тажриба тўплаб, ўзига хос мактаб яратаётган ўқитувчилардан кимларни айта оласиз?**

— Маълумки, республикада ҳар йили иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш мақсадида фан олимпиадалари, турли кўрик-танловлар ўтказилади. Ана шу олимпиадаларда, кўрик-танловларда вилоятлардан келган ўқувчиларнинг иштироки, интилиши, қобилиятига кўра фаол ўқитувчилар ўз-ўзидан маълум бўлади. Айниқса, Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидан М.Камолов, Сурхондарё вилояти Шарғун шаҳридан Н.Мирзаев, Қашқадарё вилояти Ғузор туманидан Ў.Жумаев, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридан Ш.Заипонова сингари устозлар ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Мен юқорида санаб ўтган устозларнинг кўпгина шогирдлари бугунги кунда пойтахтимиздаги турли нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар.

**Райҳон ХОЛМУРОДОВА,**
**суҳбатлашди.**



# DIQQAT CHORRAHA

## ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 февралдаги "Ҳаракат хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида" ги 111Ф-сонли фармойишига асосан юртимизда 1 мартдан 31 мартга қадар "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда.**

**Ҳаракат хавфсизлиги ойлигини ўтказишдан мақсад, унга оид комплекс чора-тадбирлар кўриш, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишдир. Ойликни март ойида ўтказишнинг ўзига хос сабаблари бор. Қиш фасли тугаши билан йўллар ва йўл ҳаракати белгиларини таъмирлаш зарур бўлади. Шунинг учун баҳорда йўлларни таъмирлаш, уларга чизиқлар чизиш, йўл белгиларини тузатиш, светофор чироқларини созлаш ва транспорт воситаларини кўрикдан ўтказиш ишлари бошланади.**

**Айни кунларда жамоат транспортларида, аҳоли гавжум жойларда ойлик ўтказилаётганлиги ҳақида реклама ёзувлари, плакатлар, буклетлар, тақвимлар ва бошқа кўргазмали жиҳозларни жойлаштириш, ойликнинг боришини мунтазам равишда тарғиб қилувчи махсус видеороликлар намойиш этилмоқда.**

**Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари халқ таълими бошқармалари ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда маҳаллаларда, мактабларда, болалар боғчаларида ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида йўл ҳаракати хавфсизлиги борасида учрашувлар ташкил этмоқдалар.**

**Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши пиёда йўловчилар томонидан кўплаб содир этилмоқда. Буларга йўлни тақиқланган жойларидан кесиб ўтиш, светофор чироқларига амал қилмасдан ҳаракатланиш киради.**

**Ойликни ўтказиш бўйича март ойининг биринчи ўн кунлигида қуйидаги ишлар амалга оширилди.**

**Йўл-транспорти билан боғлиқ бўлган турли қоидабузарликлар республиканинг 422 та ўқув муассасаларида муҳокама этилди.**

**Мана шу ўн кунликда ЙҲХ ходимлари томонидан мактаблар олдига республика бўйича 4516 та постлар ўрнатилди.**

**"Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"да болалар автошаҳарчаси қуриш таклифи билан чиқилди. Ўқув муассасаларида автомайдончалар ташкил этиш бўйича 489 та таклиф тушди. Лекин бу таклифлар амалга оширилмади. Биринчи ўн кунликда ўқитувчилар ўртасида жами 269 та семинарлар ўтказилган бўлса, жумладан, Навоий вилоятида 120 та, Қорақалпоғистон Республикасида 43 та, Қашқадарё вилоятида 35 та ана шундай семинарларда ўқитувчилар ҳаракат хавфсизлиги хизмати ходимлари билан турли масалаларни келишиб олишди.**

**Ҳаракат хавфсизлиги ойлигининг биринчи ўн беш кунлигида келажагимиз бўлган болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг сони Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё вилоятларида юқорилигича қолди. Тадбирнинг ўтган ўн беш куни давомида ҳайдовчиларнинг эътиборсизлиги ҳамда эҳтиётсизлиги натижасида Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида икки нафардан, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятларида бир нафардан болалар ҳалок бўлишган. Бу эса мактаблар, мактабгача таълим муассасаларида ҳамон етарли профилактика ишларининг амалга оширилмаётганлигидан далолат беради.**

* * *

**Болалар билан боғлиқ бўлган йўл-транспорт ҳодисалари февраль ойида республика бўйича 229 та деб қайд этилди. Бу ҳодисаларда 22 нафар бола вафот этди. 214 тасида эса болалар турли даражадаги тан жароҳати олганлар. Бу ўтган йилгига қараганда 5.5 фоизга (ўтган 2001 йилнинг февраль ойида 214 та болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган) ошганлигини кўрсатади. Кўрсаткичлар Тошкент (39 та қоида бузарлик содир бўлган, ўтган йилгига нисбатан 44, 4 фоизга ошган; 6 нафар бола ҳалок бўлган, болалар ўлими 100 фоизга ошган, 33 нафар бола тан жароҳати олган), Қашқадарё (февраль ойида 14 та ҳодиса қайд этилган, 2 нафар бола вафот этган, 13 нафари жароҳатланган), Андижон (33 та қоида бузарлик содир бўлган, 3 нафар бола ҳалок бўлган, 30 нафари тан жароҳати олган) вилоятлари ҳисобига ошган.**

**Сирдарё ҳамда Хоразм вилоятларида февраль ойида болалар иштирокида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сезиларли даражада камайган.**

**Бир ёшдан етти ёшгача бўлган болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари ўтган 2001 йилнинг февраль ойида 91 та бўлганди. 2002 йилнинг худди шу ойида ҳам бу кўрсаткич ўзгармади. Саккиз ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болалар иштирокида ўтган йили 131 та ҳодиса аниқланган бўлса, жорий йилнинг худди шу ойида 140 та деб белгиланди. Бир ёшдан етти ёшгача бўлган болаларнинг 11 нафари ана шу ҳодисалар оқибатида бу дунё билан видолашган бўлсалар, 80 нафари турли даражадаги тан жароҳати олдилар. Саккиз ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болаларнинг 11 нафари вафот этган бўлса, 134 нафари жароҳатланиб, бир умрга ногирон бўлиб қолдилар.**

* * *

**Республикамизда "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"ни ўтказиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига, кишиларда йўлларда ҳаркатланиш маданиятини шакллантиришга сабаб бўлади, деб умид қиламиз.**

**Республика ИИВ Й.Ҳ.Х**
**Бош бошқармаси маълумотлари**
**асосида тайёрланди.**

O'zbekiston—AQSH

# "ТАЪЛИМДА ҲАМКОРЛИК" ДАСТУРИ САМАРАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакатда ўтган 10 йил мобайнида барча соҳаларда улкан ўзгаришлар юз берди. Бунда айниқса, ёшларимизнинг дунёнинг ривожланган мамлакатларида ўз билим ва маҳоратларини ошириб қайтишаётганликлари таҳсинга лойиқ ҳодиса. Ўзбекистон—АҚШ муносабатлари ушбу ҳамкорлик алоқаларида муҳим ўрин тутади. Давлатларимиз ўртасидаги ушбу алоқалар нафақат таълим тизимида, балки ижтимоий-сиёсий соҳаларда ҳам ўзига хос маъно-мазмун кашф этиб улгурган. Бугунги кунда бу дўстона муносабатлар таълим тизимида қай даражада ўз аксини топмоқда?**

**Яқинда мухбиримиз республика Халқ таълими вазирлигида бўлиб, вазирликнинг халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи Баҳодир ШАМСИЕВ билан ўтказган суҳбати худди шулар хусусида борди.**

— Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ҳукуматимиз томонидан юртнинг эртасини ҳал қиладиган фарзандларимиз таълим-тарбиясига, уларнинг келгуси тақдирига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса, ўз навбатида, энг аввало, бизга таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш лозимлигини кўрсатди. Ўтган йиллар давомида республикамизда бу борада асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Айниқса, ёшларимизнинг дунё илм-фани чўққиларини забт этишлари учун дунёнинг ривожланган давлатларида таҳсил олиш, фикр алмашиш имкониятлари яратилганлиги эътиборлидир. Бу борада АҚШ ҳукумати билан олиб борилаётган ҳамкорлик алоқаларимиз эса республикамиз мустақилликка эришган дастлабки онларданоқ бошланган эди. Ҳозирда мазкур давлатнинг таълим соҳасидаги икки йирик ташкилоти — Америка таълим ва тил ўргатиш тизимидаги Кенгаш (АКСЕЛС) ҳамда АҚШнинг Тинчлик корпуси билан имзолаган битимларига асосан 10 га яқин дастурлар асосида фаолият юритмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти билан ўзаро келишув битими 1992 йилда имзоланган бўлиб, у орқали энг аввало, республикамиз умумтаълим мактаблари битирувчи синф ўқувчиларининг замон талаблари даражасида билим олишлари, чет эллик ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўлиш, фикр алмашишлари учун АҚШ мактабларида таълим олишларига имконият эшиклари очилди. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, ўқувчиларимизнинг 1993 йилдан 2001 йилга қадар 435 нафари ушбу диёрда бўлиб, ўз билим ва дунёқарашларини бойитиб қайтишди. Жорий йилда АКСЕЛС ташкилоти томонидан ўтказилган мазкур танловда 4000 нафардан ортиқ ўқувчиларимиз билимларини чиғириқдан ўтказишганлигининг ўзиёқ мазкур дастур бўйича ёшларимизнинг таълим олишга иштиёқлари баландлигидан далолат. Уч босқичли ўтган танловлар мурасасиз кечганлиги билан диққатга лойиқ бўлди. Апрель ойида мазкур танлов натижалари эълон қилинади.

Бундан ташқари АКСЕЛС ташкилотининг яна бир неча дастурлари, яъни "Таълим беришда алоҳида кўрсаткичлар учун мукофот" (ТЕА) ҳамда "Таълимда ҳамкорлик" (PIE) орқали республикамиз ўқитувчиларининг маҳоратини ошириш, уларнинг инглиз тилини мукаммал эгаллашлари, халқ маданияти ва тарихини кенгроқ ўрганишларига, асосийси, дарсларнинг самарадорлигини оширишда янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланишлари учун услубий ёрдамлар берилади. "Таълим беришда алоҳида кўрсаткичлар учун мукофот" дастури республикамиздаги инглиз тили ва америкашунос ўқитувчилар учун мўлжалланган бўлиб, танлов уч босқичда ўтказилади. Муҳими, ҳар йили танловда ғолиб чиққан 10 нафардан ортиқ умумтаълим мактаблари ўқитувчилари 6 ҳафта мобайнида АҚШда тажриба ошириш баробарида юртнинг таълим тизими билан ҳам яқиндан танишиб қайтадилар.

"Таълимда ҳамкорлик" дастури эса инглиз тили, ижтимоий йўналишдаги фан ўқитувчилари умумтаълим мактаби раҳбарлари ва педагогик институтлар ўқитувчилари учун мўлжалланган. Истисно тариқасида айтиш керакки, инглиз тилини биладиган бошқа умумтаълим фанлари ўқитувчилари ҳам ушбу дастурда иштирок этиш имкониятига эгадир.

Бундан ташқари мазкур ташкилотнинг умумий ўрта таълим мактаби раҳбарлари учун (SSDP) янги дастури бўйича ҳам 2001 йилдан бошлаб раҳбарларнинг бошқарув тажрибаларини ошириш, уларга зарур методик тавсиялар бериш мақсадида кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Жорий йилда бу дастурда республика Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари ҳамда Самарқанд, Жиззах, шунингдек, Қашқадарё вилоятларининг таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этишмоқда.

Ўғил-қизларимизнинг етук мутахассислар бўлиб камол топишларида хорижий давлатлар тажрибасидан ҳам фойдаланиш кўзланган натижаларга эришишда муҳим ўрин тутади. Бу йўлда республика Халқ таълими вазирлигининг АҚШ Тинчлик корпуси билан олиб бораётган ҳамкорлик алоқалари ўз самарасини бермоқда.

Тинчлик корпусининг кўнгилли мутахассислари республикамизнинг кўплаб ҳудудларидаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларга 1992 йилдан буён инглиз тилини ўргатиш дастури асосида мазкур тилни бошланғич синфлардан ўқитишга, иқтисодиёт асослари, компьютер техникаси фанларини мукаммал ўргатишга ҳаракат қилмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, ушбу корпус томонидан 1992—2001 йиллар мобайнида 414 нафар кўнгилли ўқитувчилар юртимизга ташриф буюришиб, битимда кўрсатилган асосий мақсадларидан бири — ўқувчиларга сабоқ бериш билан бирга ўқитишнинг жамоавий усулини қўллаган ҳолда бошланғич мактаб ўқитувчиларига ҳам ўз таълим бериш усулларини ўргатишаётир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, фарзандларимиз келажаги йўлида ҳар иккала давлат томонидан олиб борилаётган бу саъй-ҳаракатлар ўзбекистонлик ва америкалик ўқувчиларнинг билимини ошириш, ўқитувчилар ўртасида эса тажрибалар алмашинувини йўлга қўйиш, шу билан биргаликда икки халқ тарихи, маданияти ва урф-одатларини билиш орқали миллатларнинг муносабатларини янада ривожлантиришга туртки бўлмоқда.

**Баҳодир ЖОВЛИЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**



***Наврўз кунги амалларинг умринг давомида ҳамроҳинг бўлсин, болажоним!***

**Бурҳон РИЗО олган фотолавҳа.**

## БРИТАНИЯ АСКАРЛАРИ АФҒОНИСТОНДА



Буюк Британия мудофаа вазирлиги вакилининг хабар беришича, 100 нафар британиялик аскарлар Қобул яқинидаги Баграм базасига келиб тушганлар. Улар катта ҳарбий бўлинманинг биринчи вакиллари бўлишиб, яқин кунларда яна 1600 нафар энг сара аскарлар келтирилади. Улар тоғли аҳоли ҳудудларида "Ал-Қоида" ва "Толибон" жангариларини тугатиш ишларини олиб борадилар.

Шунингдек, разведка маълумотларига кўра, аҳоли ичида яшириниб юрган жангарилар Афғонистондаги халқаро тинчликпарвар кучларга қарши террор актларини уюштиришга тайёгарлик кўрмоқдалар. Ҳатто, 6 та миналаштирилган машинани блокпостларда портлатиш учун тайёрлаб қўйишган эканлар.

## ИСРОИЛ ЯНГИ ОПЕРАЦИЯГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

"The Washington Post" газетасининг ёзишича, Исроил қуролли кучлари фаластинликларга қарши янги ҳужумга тайёргарлик кўрмоқдалар. Агарда АҚШ вакили Энтони Зинни иштирокида ўтказилаётган Исроил — Фаластин музокаралари натижасида зўравонликларни тўхтатишга эришилмаса, у ҳолда исроилликлар мазкур янги операцияга киришадилар.

Бугун эса Байрутда Араб давлатлари лигасининг навбатдаги анжумани бошланиб, унда Саудия Арабистони томонидан ишлаб чиқилган Яқин Шаркда тинчлик режаси муҳокама этилади.



**"ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида**
**Дилноза НАСРИДДИНОВА**
**тайёрлади**

## УМИДЛИ ЁШЛАР МУСОБАҚАСИ

*Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 8-11 синф ўқувчилари ўртасида "УМИД НИҲОЛЛАРИ" спорт мусобақаларининг вилоят IV-босқич ўйинлари давом этмоқда.*

*Ушбу босқич мусобақаларида спорт турлари бўйича ғолиб чиққанлардан вилоят терма жамоаси тузилиб, шу йилнинг апрель ойининг 2-ярмида Фарғона шаҳрида бўладиган Республика мусобақасида вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладилар. Ҳозирга қадар спортнинг уч тури ниҳоясига етиб, "ДИНАМО" катта теннис кортида ўтказилган баҳсларда Боғишамол тумани терма жамоаси биринчи, Оқдарё тумани иккинчи, Самарқанд тумани теннисчилари эса учинчи ўринни эгалладилар.*

*Шахматчилар мусобақасида биринчи ўринни Сиёб тумани вакиллари эгалладилар.*

*Боғишамол туманидаги 55-ўрта мактабда ўтказилган стол тенниси мусобақалари якунига кўра, Боғишамол тумани биринчи, Пастдарғом тумани жамоаси иккинчи, Ургут тумани жамоаси эса совринли учинчи ўринни қўлга киритдилар.*

*Ғолибларга Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда Республика "Маърифатпарварлар" жамияти Самарқанд вилояти бўлими томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.*

*Спортнинг қолган турлари бўйича беллашувлар давом этмоқда.*

## ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

**Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги болалар ва ўсмирлар, шахмат-шашка спорт мактабида 64 катакли шашка бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси биринчилиги бўлиб ўтди.**

**Ушбу мусобақада Андижон, Фарғона, Бухоро, Сирдарё, Тошкент ва Самарқанд вилоятларидан энг кучли шашкачилар иштирок этдилар.**

**Қизиқарли кечган ўйинлардан сўнг 16 имкониятдан 13 очко жамғарган Самарқанд Давлат чет тиллар олийгоҳининг 1-курс талабаси Зокир Субхонқулов тўртинчи бор Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритиб, Қозоғистон ва Россияда бўлиб ўтадиган Осиё ва жаҳон биринчиликларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.**

## КУЧЛИЛАР ШОҲСУПАДА

Самарқанд шаҳридаги Туризм коллежининг спорт саройида камондан отиш бўйича Ўзбекистон қишки очиқ биринчилиги бўлиб ўтди.

Мусобақада Фарғона, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва пойтахтимиздан ҳамда Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳридан жами 59 нафар спортчилар қатнашди. Улар 38 нафари эркаклар, 21 нафари аёллар бўлиб шахсий ва жамоа биринчилиги ғолиблиги учун кураш олиб бордилар.

Эркаклар ўртасидаги мусобақада мезбонлар жамоаси биринчи ўринни, чимкентликлар иккинчи ва фарғоналиклар эса учинчи ўринни эгалладилар.

Аёллар ўртасида Чимкент шаҳрининг 1-жамоаси биринчи ўринни, Тошкент шаҳрининг 1-жамоаси иккинчи ва учинчи ўринни 2-жамоаси эгаллади.

Шахсий биринчилик мусобақасида эркаклар ўртасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, жаҳон Осиё биринчиликлари иштирокчиси самарқандлик спорт устаси Умеров Амет биринчи ўринни, Эльдар Юсупов иккинчи ва учинчи ўринни чимкентлик спорт устасига номзод Ермек Мусабеков эгаллади.

Аёллар ўртасида Самарқанд Давлат Университетининг Жисмоний тарбия ва маданият факультетининг талабаси Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, спорт устаси Роза Назирова биринчиликни қўлга киритди.

Иккинчи ва учинчи ўринни чимкентлик Алия Айбенбетова ва Лим Анна эгалладилар.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндор жамоа спортчиларига Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия Давлат қўмитаси томонидан эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар топширилди.

**М.АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози**

## ЯШИЛ МАЙДОНДА ЎСМИРЛАР

**Куни кеча Шофиркон шаҳридаги ўйингоҳда "А" гуруҳида қатнашаётган Навоий ва Ромитан шаҳар футбол мактаб-интернатининг 1988-89 йилларда туғилган болалардан иборат жамоалар учрашуви билан VI республика биринчилиги финал беллашувларига чиқиш учун ҳудудий баҳслар бошланди.**

**Шу куни спорт ишқибозлари Навоий ва Шофиркон, Бухоро ва Қарши мактаб-интернатларининг 1986-87 йилларда туғилган ҳамда мазкур билим даргоҳларининг 1988-89 йилларда туғилган болалар жамоалари ўртасида ғолиблик учун қизғин курашларнинг гувоҳи бўлишди.**

**Ўзбекистон "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши футбол бўлими бошлиғи, мусобақа бош ҳаками Бобир Ҳайдаров ҳудудий мусобақалар Шофиркон ("А" гуруҳи), Янгиер ("Б" гуруҳи), Ангрен ("В" гуруҳи), Термиз ("Г" гуруҳи) ва Тошкент ("Д" гуруҳи) шаҳарларида ўтказилаётганини айтди.**

**Бугун Янгиер, Ангрен, Термиз ва Тошкент шаҳридаги ўйингоҳларда ҳудудий мусобақалар бошланади. 30 мартгача давом этадиган мусобақалар якунига кўра куз ойларида ўтказиладиган футбол мактаб-интернатлари VI республика биринчилиги финал мусобақалари иштирокчилари аниқланади.**

**Ғ.МАННОПОВ**

# ҚАЛЪАЛАР ЮРТИ

Қуш учса қаноти, инсон юрса оёғи куядиган, кўз очирмас шабадали қалъанинг асрий саҳросида 1972 йил 16 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси энг кенжа тумани дунёга келди. Унга яхши ният, улкан орзулар билан Элликқалъа деб ном қўйдилар.

Бироқ бу кўҳна ҳудудда бир пайтлар ҳаёт гуркираб, деҳқончилик маданияти юксалган, цивилизация ўта ривожланган. “Тупроқ қалъа”, “Қизил қалъа”, “Аёз қалъа“, “Норинжон қалъа“, “Қирққизқалъа“, “Қўрғошин қалъа“, “Қават қалъа“, “Ўй қалъа“, катта ва кичик “Гулдурсин қалъа“, “Бургут қалъа“ каби юзлаб қалъа ва қўрғонларни, бебаҳо обидаларни элдошларимизга аждодларимиз мангу ёдгорлик сифатида қолдиришган. Очиқ осмон остидаги музейлар мамлакати деб ном олган, олис ўтмишнинг тирик, аммо тилсиз гувоҳлари бўлмиш бу ёдгорликлар маконида бугун ҳаёт қайта жонланган.

*Буюк аждодларимиз ўтган бу табаррук заминда ҳаёт жонланиб юрди, эл-улус бўлиб юрди, йил сайин гуллаб яшнаётганини, турмуш маданиятнинг юксалаётганини кўрган, айниқса, чўлни ўзлаштиришда иштирок этган кишиларнинг дилини қувонч, фахр, ифтихор туйғуси чулғайди.*

*Ҳар сафар Элликқалъада бирор-бир каттаю кичик тадбир ўтаётганини эшитганимда оддий бир чўлқувар сифатида менинг ҳам иш заминини овоз қилишда заррача бўлса ҳам ҳиссам борлигидан ғурурланаман.*

*Бу серҳосил тупроққа қадалган ҳар бир гиёҳнинг, дарахтнинг, қад ростлаган иморатнинг ўз тарихи бор.*

*Азиз элликқалъаликларим қутлуғ байрам, улкан тўй барчангизга муборак бўлсин.*

**Оллоназар ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Беруний туман ҳокими**

Етмишинчи йилларнинг бошларида чўл ўзлаштирила бошланди. Бу ерга Тўрткўл ва Беруний туманларидан 30 дан ортиқ кўчма бригадалар етиб келишди.

Дастлабки пайтларда кишилар кўп тунларни бедор ўтказдилар. Бўйлари 3,-3,5 метр келадиган бутун атрофни ўраб олган қамишзорларга беркиниб олган йирик-йирик тун пашшаларининг инсон танасига урган нишлари ўрни газак олиб кетарди. Улар шу даражада кўп эдики, бутун аъзойи баданингизни ўраб олишар, қўрқиш, қочиш нималигини билмасдан — қон сўришарди...

Худди ҳозиргидек эсимда, чўл ўзлаштирила бошланганида бу она заминни шудгор қилишаётган пайтларда кўп жойлардан инсонларнинг бош суяклари, оёқ ва қўл суяклари чиқарди. Биз уни териб, бирон қабристонга ёки баландроқ жойларга кўмардик. Бу суяклар яқин ўтмишда Элликқалъа заминида ҳаёт гуллаб-яшнаганлигидан дарак беради.

Аслида Элликқалъа сўзининг маъноси бу ерда 50 та қалъа борлигини эмас, балки шабадали қалъа маъносини англатади. Аслида, бу ҳудудда 253 та қалъа ва қўрғонлар бўлган.

1977 йилнинг бошларида Қорақалпоғистон харитасида янги — Элликқалъа тумани пайдо бўлди.

Янги туманда муштарак мақсадларга бирлашган янги одамлар матонат билан иш юритдилар. Уларга Олимбой Примов, Аминбой Тожиев, Марям Медетова, Шамшет Аминовлар тўғри йўл кўрсатиб, халқ хўжалигининг барча соҳаларини юксалтириш, маориф, маданият, маиший турмуш даражасини кўтариш, транспорт, алоқа хизматини яхшилаш, тиббиёт соҳасини талаб даражасида ташкил этиш вазифаларини сидқидилдан бажаришга киришдилар.

*Диёримизда баҳорий илиқлик, наҳорий тиниқлик байрами шодиёналари кенг нишонланаётган бир пайтда кўҳна ва ҳамиша навқирон Элликқалъа туманини ва бутун элликқалъаликларни самимий табриклаймиз. Чўлда Бўстон яратганларни омад, зафар, ҳамжиҳатлик, бахт-саодат тарк этмасин. Қалби чеҳрасидек оқ, танти чўлқуварларимиз ишлари янада юксалаверсин!*

**Қорақалпоғистон “Пахтасаноат” уюшмаси**

Туманда боғдорчилик, туячилик, асалчилик, ғаллачилик соҳалари ривожланди. Қурилиш, саноат, транспорт тармоқлари юксалди. Айниқса, сўнги пайтларда, жуда қисқа фурсатда Элликқалъада саноат ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Чўлда етиштирилган пахта шу ернинг ўзида толага айлантирила бошланди. Маориф, маданият, аҳолига намунали маиший хизмат кўрсатиш яхши изга тушди. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган шифохона фойдаланишга топширилди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” биринчи босқичи якунланди. Шу муносабат билан таҳлиллар ўтказилди. Таълим тизимида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар Элликқалъада ҳам яққол кўзга ташланди. Тумандаги мавжуд ўқув муассасаларида 3 минг нафардан ортиқ ўқитувчи ва тарбиячилар фаолият кўрсатмоқда.

Туманда таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, барча қулайлик ва имкониятларга эга бўлган таълим-тарбия масканларини қуриб ишга тушириш борасида бир қатор тадбирлар қурилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан Бўстон шаҳрида 600 ўринга мўлжалланган замонавий академик лицей, “Дўстлик” фермер хўжалиги уюшмасида 844 ўринли мактаб биноси давлат ҳисобидан, Ғани Одилов номидаги фермерлар уюшмаси “Коинот” бўлимида 100 ўринли мактаб биноси ҳашар йўли билан қурилиб, ўқувчиларга совға қилинди. Шунингдек, 25-касб-ҳунар лицейи таъмирдан чиқарилиб, қишлоқ хўжалиги коллежига айлантирилди. “Бўстон” ижтимоий-иқтисодий коллежи биноси таъмири якунланиб, Наврўз арафасида ишга туширилди. Шунингдек, 2001 йилда 22-мактабни таъмирлаш ишларига 14 миллион 300 минг сўм сарфланди. Барча таълим масканларига ҳомийлар бириктирилиб, улар томонидан 15 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Барча соҳаларда бўлгани каби халқ таълими соҳасида ҳам ажойиб чўлқуварлар, қақроқ чўлда маскан тутган инсонлар фарзандларига илм-фан сирларини ўргатган юзлаб устозларимизга бугун биз ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Минг афсуски, бу ажойиб илм дарғаларининг барчасини тилга олиб ўтишнинг ҳеч иложи йўқ. Аммо туман ХТБсига дастлаб етакчилик қилган С.Матёқубов, марҳум Рўзимбой Жабборов, марҳум Мадраҳим Қобулов, ҳозирда нафақа олиб, қарилик гаштини сураётган Қурбонбой Сейитовларнинг муносиб шогирди Тожимаммат Матмуродовлар, оддий ўқитувчи ва ўша пайтдаги мактаб директорларидан тарих фанлари номзоди Тўра Қиличев, Ҳайитбой Яқубов, Ражапбой Полвонов, Бахтиёр Тўребоев, Отажон Каримов, Норбой Шариповлар издошлари бўлмиш ёшларимиздан Нурмамат Машарипов, Шаштигул Сотиболдиева, Отахон Искандаров, Олимбой Жумабоев, Отахон Эримов, Зулхумор Полвоновалар номларини бугун алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Шу аснода кейинги йилларда туманда кўламдор бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Учқудуқ—Мискин—Султон Вайс тоғи темир йўли қурилиши муносабати билан ушбу йўл бўйида “Элликқалъа” вокзали бунёд этилди. Бўстон шаҳрида 600 ўқувчига мўлжалланган лицей қурилиб, замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланди. Молия-бизнес маркази, супермаркет, 3 та минимаркет, “Оталар чойхонаси”, “Боғёб” канали устига узунлиги 36 метрлик темир-бетон кўприк, Ғ.Одилов номидаги фермер хўжаликлари уюшмасининг “Коинот” бўлимида қишлоқ врачлик пункти, таянч мактаби ва минимаркет қурилди. Аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида узунлиги 17 километрлик Бўстон—Чайка ҳамда 7,8 километр масофада “Дўстлик” газ тармоқлари ишга туширилди. “Бўстон” фермерлар уюшмасида айланма автомобиль йўли ҳамда “Тоза Амиробод” хўжалигида ички йўллар қурилиб битказилди.

Эндиликда Элликқалъанинг жамоли кун сайин чирой очмоқда. Туманда бунёдкорлик ишлари жадал суръатда давом этаяпти. Академик лицейнинг ётоқхоналари қурилиши, туман археология ва тарих музейи биноси реконструкцияси тугалланай деб қолди.

Хуллас, ўзининг навқирон ёшига етган Элликқалъа тумани мустақил юртда янада гуллаб-яшнашига, ижтимоий-иқтисодий салоҳияти тағин ҳам ортишига ишончимиз комил.

Чорак асрлик тўйинг муборак, азиз юртим — Элликқалъа!

**М.АЙТИМОВ**

*Қадрли элликқалъаликлар, азиз чўлқуварлар!*

*Асрий саҳро ва қум барҳанларидан иборат серҳосил заминни ўзлаштириш, дастлабки йўлларни, каналларни, ариқ ва зовурларни қазиш, инсон қадами етмаган жойга биринчи бор мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказиш, илк бор турар жой биноларини барпо этиш, кўз очирмас қумли шамоллар, қаҳратон аёз кунларида янги ерларни ўзлаштириш, янги туманни ташкил этиш Сизлар учун осон бўлмаганлигини яхши биламиз.*

*Бугунги қувончли кунда Қосим Нурумбетов, Норбой Қурбонбоев, Искандар Оллоберганов, Норбой Рўзимбетов, Ўринбой Бекчонов, Аминбой Собиров, Муҳаммаджон Тўхтабоев, Жуманиёз Айитов, Рейимбой Қулимов, Саъдулла Раҳмонов, Саодат Қурбонбоева, Қурбонгул Жўрабоевалар каби юзлаб чўлқуварларимиз билан фахрланамиз.*



*Гап Элликқалъа мавзесини ўзлаштириш ҳақида кетар экан, ўзларига тириклик пайтида мангу ҳайкал қуриб улгурган, Элликқалъани, ҳозирги Бўстон шаҳрини нафақат Қорақалпоғистонда, балки бутун Хоразм воҳасида энг кўркам, серфайз, чиройли шаҳарга айлантирган, эндиликда халқимиз орасида “Иккинчи Тошкент”, “Ўзбекистоннинг Женеваси” номларини олаётган туманнинг биринчи етакчилари, иқтисод фанлари номзоди Олимбой Примов, Аминбой Тожиев, Марям Медетова, Неъматилла Худойбергеновларнинг муборак номларини алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз.*

*Мустақиллик шарофати билан Элликқалъа бутунлай ўзгарди. Юзлаб турар-жойлар, котежлар, маиший, маъмурий бинолар, ўнлаб тадбиркорлик субъектлари, мини ва супермаркетлар, савдо дўконлари, дам олиш ва истироҳат боғлари, ўқув юртлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, қўшма корхоналар қад ростлади ва фаолият кўрсатмоқда. Аҳоли тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергиясидан тўла баҳраманд. Элликқалъанинг узоғини яқин қиладиган темир йўл ҳам туман ҳудудидан ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, бугунги Элликқалъа ҳақиқий Бўстон — гулистонга айланди. Бу ерда истиқомат қилаётган кишилар, яратганга минг қатла шукрлар бўлсинким, тинч, осуда, озод ва обод замонамизда бахтли ҳаёт нашидасини сурмоқдалар.*

*Мен бутун элликқалъаликларни, чўлқуварларимизни яна бир бор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши номидан ва шахсан ўз номимдан табриклайман. Уларга доимо зафарлар ёр бўлаверсин!*

**Қанотбой ИСМОИЛОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари**


**“КАТЕКС”**

*ҳиссадорлик жамияти - бутун ўзбекистонликларни яна бир бор Наврўзи олам билан табриклайди. Ана шундай қувончли кунларда туманларининг таваллуд кунини нишонлаётган элликқалъалик чўлқуварларга, “ЭЛТЕКС” ҳиссадорлик жамияти аъзоларига куч-қувват, элимизга фаровонлик, дастурхонимизга файз-барака тилайди.*




Ta'lim va islohot



# ИЛМНИНГ НУРАФШОН ЙЎЛИДАН

Шу кунларда юртимизда ўзгача руҳ, ўзгача кайфият ҳукмрон десак, янглишмаймиз. Зеро, бу ҳолат шу азиз тупроқда яшаётган, меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаронинг чеҳрасида, қилаётган эзгу ишларида намоён.

Ушбу ишлар, айниқса, туманимиз халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш, келажагимиз ворислари бўлган фарзандларимизга замон талаблари даражасида билим бериш мақсадида амалга оширилаётган жараёнларда яққол ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида ишлаб чиқилган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, аввало, республикамизда таълим тизимининг узлуксизлигини таъминлашга қаратилгандир. Буни рўёбга чиқариш эса ўз навбатида бир қанча омилларга, хусусан, ўқитувчилар ва мураббийларнинг касбий маҳоратларига, таълим жараёнига янги, юқори самара берадиган педагогик технологияларни татбиқ этишга ва албатта, ёшларимиз таълим-тарбия оладиган ўқув муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш, замон талабларига жавоб берадиган ўқув жиҳозлари ва техник воситалар билан етарли даражада таъминлаш, ёруғ, озода, барча қулайлик ва имкониятларга эга бўлган бутунлай янгича илм масканлари бунёд этишга ҳам бевосита боғлиқ.

Мустақилликка эришилган йилда туманда 56 та умумтаълим мактаблари, 4 та мактабгача ва 4 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатди. Бу таълим-тарбия масканларида жами 22 000 дан зиёд ўқувчи билим сирларини ўрганди. Ўқувчиларга билим сирларини ўргатишда 1 650 нафар ўқитувчи иш олиб борди. Ўқитувчиларнинг 833 нафари олий, 59 нафари тўлиқсиз олий, 758 нафари ўрта махсус маълумотга эга эдилар.

*“Қорақалпоқтуз” ҳиссадорлик жамияти элликқалъаликларни бугунги байрамлари билан қутлайди. Элликқалъанинг ҳамиша гуллаб-яшнаши, янада кўркам, фаровон ва обод бўлишини истайди.*

Мустақиллик йилларида таълим-тарбия соҳасига катта эътибор қаратилиб, бу соҳада туб ўзгаришлар вужудга келди. Янги таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосини ташкил этувчи ҳужжатларда таълим ислоҳотларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Республикамизда таълим соҳасида қабул қилинган ҳужжатлар ҳамда республикамиз Президенти Ислом Каримов кўрсатмалари бизнинг туман халқ таълими соҳаси ходимларига ҳам катта вазифалар юклади. Олдимизга қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида туман халқ таълими бўлимининг 1997 йил 21 июндаги 44/7 сонли буйруғига асосан тадбирлар ишлаб чиқилди.

Кейинги йилларда туманда иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиб, уларга чуқурлаштирилган ўқув дастури асосида билим берадиган истеъдод мактаблари ташкил топаётгани ўзининг катта самарасини бермоқда. Бундай истеъдод мактаблари ҳозирги кунда Бўстон шаҳри, Сарабий, Гулдурсин, Қирққизобод ва Тозаамиробод ҳудудларида фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари туманимиз чўл ҳудудларини мутахассис кадрлар билан таъминлаш мақсадида ёшларни олийгоҳларга тайёрлаш курслари ташкил қилинди. Бу курсларда таълим олган ёшларимизнинг 80-90 фоизи олий ўқув юртлари талабалари сафларига қўшилмоқда.

*Элликқалъа... Бу ер ўзбек халқининг катта маданий мероси яратилган қадимий, табаррук замин. 253 та қояча ва қўрғонлар унинг тарихидан бизга, фарзандларимизга ишонарли ҳикоялар сўзлайди. Бугун ушбу замин узра тўй, тантана, истагимиз мустақиллик қуёши мангу порлаб, ёшларимизга зиё нурларини сочаверсин!*

**Қорақалпоғистон республикаси Халқ таълими вазирлиги**

Туманда ҳозирги кунда 93 та таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 13 таси боғча-мактаб, 6 таси истеъдод мактаби, 5 таси мактабгача ва 4 таси мактабдан ташқари таълим муассасаси, 1 та “Тил маркази”, 64 та умумтаълим мактабларидир. Бу таълим масканларида 30 мингдан зиёд ўқувчи ва тарбияланувчилар билим олмоқдалар. Уларга 2500 дан ортиқ ўқитувчи ва тарбиячилар таълим бермоқдалар.

Туман ҳокимлигининг бевосита аралашуви натижасида барча мактаб ва тизимга қарашли болалар боғчаларига бириктирилган ҳо-мийлар, ота-оналар ва бюджетдан ажратилган маблағлар эвазига мактабларимизда ёш авлоднинг чуқур билим олишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Барча мактаб ва боғчаларимиз сифатли таъмирдан чиқарилиб, 100 фоиз тоза ичимлик сувлари, турли хилдаги иситиш манбалари билан тўла таъминланган. Барча мактабларда техник ўқув қуроллари мавжуд. Имкон даражасида компьютер хоналари билан таъминланганмиз.

Мактабларимизда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, жисмонан соғлом, маънавий баркамол авлод юртимизнинг порлоқ истиқболидир. Шу мақсадларда 60 та қишки спорт заллари, 93 та спорт майдончалари фаолият кўрсатмоқда. Булардан ташқари туман марказий ўйингоҳи, Бўстон академик лицейи, туман ички ишлар бўлими спорт зали ҳам доимий равишда ёшларимиз хизматида.

Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бизда бу кўрсаткич 80 фоизни ташкил қилади. Янги ўқув йилида мактабларимизга 101 номдаги 80645 дона китоб-лар олиб келиниб, ўқувчиларга бепул тарқатилди.

Мактабдан ташқари ўқув-тарбия ишларига ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Ўқувчи-ёшлар уйи, мусиқа, ёш ўсмирлар спорт мактаблари, экологик-натуралист, техник ижодиёт марказлари, “Бахт-Руслан” каратэ клублари шулар жумласидандир. Уларда ташкил этилган 100 га яқин тўгаракларда туманимизнинг 20 минг нафар иқтидорли ёшлари шуғулланишади.

Фарзандларимиз ва ўқувчиларимизга фан сирларини ўргатишда ўз маслаҳатлари билан кўмакдош бўлаётган ўқитувчиларимиздан Отажон Каримов, Содиқжон Матёқубов, Аминбой Оллоберганов, Ражапбой Полвонов, Айитбай Якубов, Нуржон Сеттиева, Тоҳир Алиев, Дуйсенбай Саипов, Ойша Алиева каби устозлар, Зайнаб Абдуллаева, Ғулом Артиқбоев, Шаштигул Сотиболдиева, Ҳавожон Эримова, Олтиной Тасимова, Ҳикмат Саъдуллаев, Зулхумор Полвоноваллардек истиқболи порлоқ ёшларимиз номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олсак арзийди.

Ушбу байрам кунида мен барча туманимиз аҳлини, устозларимизни, ҳозирги кунда туманимизнинг гуллаб-яшнашига, ривожига ҳисса қўшаётган барча халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган муқаддас касб эгалари бўлмиш ўқитувчилар ва мураббийларимизни туманимизнинг таваллуд айёми билан самимий табриклайман. Уларга ўта масъулиятли, сермашаққат ва айни пайтда хайрли ишларида омадлар ёр бўлсин.

**Тожимаммат МАТМУРОДОВ,**
**Элликқалъа тумани ХТБ мудири**


*Тахиатошликлар Ўзбекистон халқини Наврўзи олам, элликқалъаликларни эса қутлуғ саналари билан муборакбод этади. Яратган эгам барчамизга осойишталикни, фаровон ҳаётни, мўл- кўлчиликни, боқий умрни ато қилган бўлсин. Мустақиллигимиз абадий, истиқлолимиз мангу бўлсин!*

**Тахиатош шаҳар ҳокимлиги.**

# ЧЎЛГА ҲАЁТ ҚАЙТДИ

**Nuroniy tilagi**

Яратган эгам инъом этган олий неъмат- мустақиллик шарофати туфайли серқуёш диёримизда мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳаётимиз йилдан йилга яхшиланиб, янгича мазмун касб этиб бораётир. Жаннатмакон юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг санаб адоғига етиш қийин.

Нафақат Қорақалпоғистон ва ўзбекистонликларнинг, балки кўплаб хорижий меҳмонларнинг, сайёҳларнинг диққат-эътиборини ўзига тортган, очиқ табиат қўйнида жойлашган Элликқалъани музейлар мамлакати, муқаддас зиёратгоҳ десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Чунки, аждодларимиз қўллари, хоки пойлари теккан қатор қадимий қалъа ва қўрғонлар бағрига қанчадан-қанча тарихимизнинг ҳали умуман ўрганилмаган сирларини жамлаб, мағрур қад ростлаб туришибди. Мен чўлга ҳаёт қайтаришда иштирок этган кекса ўқитувчи сифатида фарзандларимга, шогирдларимга, қўлга киритилган истиқлол байроғини мустаҳкам ушланг, шўролар тузумида топталган ор-номусимиз, динимиз, тилимиз, миллий қадриятларимизга эндиликда садоқатли бўлинг!

Ҳалоллик ва поклик доимий ҳамроҳингиз бўлсин, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилинг, тилингиз ширин, чеҳрангиз очиқ, кўзингиз ўткир, қалбингиз сезгир бўлсин!

Мен барча элликқалъаликларни, юзлаб шогирдларимни, ҳамкасбларимни, бугунги айём, муборак кун билан чин қалбдан самимий табриклайман. Юртимиз бундан ҳам обод, гўзал ва кўркам бўлсин.

**Отажон КАРИМОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси, 107 ёшли ўқитувчи**

# ҚАЙТАР ДУНЁ

**Элликқалъага бағишлов**

**Элликқалъа ёқдан эсган шамоллар,**
**Ақчакўл сувида оқиб борадир.**
**Минг йиллар қатида қолган хаёллар,**
**Бўстон боғларига боқиб борадир.**

**Чархпалак чархидан сирлар тўкилиб,**
**Чин Мочин, Ажамнинг бағри сўтилиб.**
**Ипак йўлларига тутлар экилиб,**
**Ҳар қадам хазина тўкиб борадир.**

**Гулдурсунда руҳлар чиқиб қафасдан,**
**Қирққиз матонатин эслаб, ҳаваслаб.**
**Қалдирғочлар Қават қалъада пастлаб,**
**Янги инга чўплар ташиб борадир.**

**Думан қалъа туман ичида мағрур,**
**Тупроқ қалъа тупроқ бағридаги нур.**
**Аёз қалъа деворлардан излаб сир,**
**Ҳар ғиштнинг мағзини чақиб борадир.**

**Аждодлар ардоқлаб қўллаган макон,**
**Юз эллик қалъада юз эллик армон.**
**Хоразмшоҳлардан мерос бир даврон,**
**Юртнинг ҳар тошига ботиб борадир.**

**XXI аср қадим юртни авайлаб,**
**Авлодини янги замонга шайлаб.**



**Даржўш деворига минг ҳикмат жойлаб,**
**Одам ўғлин нурга кўмиб борадир.**

**Ўтган Оталарнинг элга ризоси,**
**Садоқати янги умр зиёси.**
**Беминнат хизмати — азиз дуоси,**
**Яхшилик уруғин экиб борадир.**

**Азиз дуолардан азиз бўлган эл,**
**Ҳикматилла, Норбой, Ражаббой, Қобил.**
**Олимбеклар, Аваз, Неъматжон, Очил,**
**Эл меҳридан нишон тақиб борадир.**

**Донишмандлар айтган қайтар дунё бу,**
**Ўзанига қайтган Амударё бу.**
**Ўзбекистондир бу, мангу садо бу,**
**Ҳар қалбда юрт меҳрин ёқиб борадир.**

**Гулистон дер озод, обод бу ҳаёт,**
**Юлдузлардан тушган нур-зиё сабот.**
**Кўкракда, юракмас чарх урган Оқ От,**
**Бўстон узра учиб, тошиб борадир.**
**Узоқ манзилларни ошиб борадир.**

**Гулистон МАТЁҚУБОВА**
**Бердақ номидаги Давлат мукофоти совриндори**

# "ШОДЛИК"ДАГИ ШОДОН ЛАҲЗАЛАР

Дарҳақиқат, мустақиллигимиз туфайли таълим тизимида мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришлар содир бўлди. "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" нинг қабул қилиниши ва бу дастурнинг дастлабки босқич якунлари аллақачон ўзининг самарасини бераётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.



Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсади ва вазифалари болаларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш, уларнинг руҳияти, шахсий қобилиятлари, интилиши ва эҳтиёжлари, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ривожланишини таъминлаш, уларни мактаб таълимига тайёрлаш биз боғча ходимларининг бугунги кундаги асосий бурчимиздир.

Боғчамиз 1985 йилда ташкил этилган бўлиб, замонавий қўшқаватли бинога эга. Унда ҳозирги кунда 165 нафардан ортиқ жажжи ўғил-қизларимиз таълим-тарбия олишмоқда. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук, билимдон бўлиб етишишлари учун боғчамизда етарли шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Инглиз, немис тилларини ўргатиш, каратэ, мусиқа тўгараклари, лингафон хоналари доимий равишда фаолият кўрсатмоқда. 2000 йилдан буён боғчамиз қошида ёрдамчи хўжалик ташкил эттанмиз. Унда қўй, эчки, ўрдак, ғоз, паррандалар парваришланмоқда. Тез кунда қуёнчиликни ривожлантиришга ҳам киришамиз. Боғча ҳудудида ташкил қилинган иссиқхонада етиштирилган маҳсулотлардан фарзандларимиз баҳраманд бўлишмоқда. Боғчамиз ҳудудидаги мевали ва манзарали дарахтларнинг умумий сони Наврўзолди ўтказилган шанбаликларда минг тупга етказилди.

Хайрли ишларни амалга оширишда бизга туман халқ таълими бўлими ва Элликқалъа туман хокимлиги катта ёрдам бермоқда. Ҳокимлик бириктирган ҳомийлар ёрдамида икки қаватли 280 ўринга мўлжалланган биномиз тўлиқ таъмирдан чиқарилди ва барча жиҳозлари янгиланди.

Бугунги туман байрамига биз ҳам муносиб совға ҳозирладик. Мактабгача таълим муассасамизда тарихий музей ташкил қилдик. Музейга қўҳна тарихнинг бизга қолдирган тилсиз гувоҳлари бўлмиш қалъа ва қўрғонлардан топилган ёдгорликлар қўйилади.

**Жумагул РАҲИМОВА,**
**"Шодлик" мактабгача таълим муассасаси мудираси, "Шуҳрат" медали соҳибаси**

# БЎСТОНГА КЕЛ...

*Чархпалак чархидан сирлар тўкилиб,*
*Чин Мочин, Ажамнинг бағри сўтилиб.*
*Ипак йўлларига тутлар экилиб,*
*Ҳар қадам хазина тўкиб борадир.*

**Ҳа, вақтни бекорга оқар дарёларга, товушдан тез учар самолётларга ўхшатишмайди. У ҳеч кимни тингламасдан, ҳеч кимни тан олмасдан ўз билганича мағрур одимлайверади, ҳаракат қилаверади. Фикримча, бу олий ҳакам — буйруғига энг доно, энг ақлли инсон зоти ҳам сўзсиз бўйсунади. Балки олий ҳакам- вақтнинг ҳукмронлигини тан олган инсон зоти, охир оқибатда бу ёруғ жаҳонни "беш кунлик бевафо дунё" деб атаган бўлса, ажаб эмас.**

**Хўш, юқорида таъкидланган "беш кунлик"дунёда инсондан нима қолади?**

*"Қорақалпоқдонмаҳсулот" ҳиссадорлари - юртдошларимизни, ўз маҳсулотлари билан халқимиз дастурхонига файзу-барака киритаётган қадоқ қўлли деҳқонларимизни, туман аҳлини Наврўз байрами ҳамда Элликқалъанинг чорак асрлик тўйи билан муборакбод этади.*

**Энг аввало яхшилик, меҳр, оқибат, бунёдкорлик, оқил шогирдлару севимли фарзандлар қолади. Мана ўлкамизга биз орзиқиб кутган фасллар келинчаги - Баҳорой, унинг энг севимли сингилчаси Наврўзойлар ҳам ташриф буюрди. Иккала гўзалнинг бир пайтда келиши бутун борлиқни уйғотиб, яшнатиб, яйратиб, ёшартириб юборди. Қўш дугона барча жойларда бўлгани каби элликқалъаликларни ҳам яратувчанлик, бунёдкорлик сари ундади. Ҳар бир маҳалла, овул фуқаролар йиғинлари, хонадон аъзолари бу қўшалоқ айёмларни муносиб кутиб олишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Кейинги йилларда туманимиз маркази Бўстон шаҳри кун сайин чирой очмоқда, кўркамлашмоқда. Яқиндагина 600 ўринли академик лицей, агроиқтисодиёт коллежининг янги бинолари фойдаланишга топширилди. Бугун эса шу лицейнинг 300 ўринли ётоқхонаси ўқувчилар ихтиёрига берилди. Узунлиги салкам 50 километрлик Бўстон каналини ҳам ишга тушириш кўзда тутилган. Шаҳардаги ҳар бир кўча ва маҳалла ободонлаштирилди. Наврўзолди шанбаликларида кўп ишлар амалга оширилди. Марказий майдон қайта таъмирланди. Ҳумо қушининг бахтиёр қанот қоқаётган сиймоси ўрнатилди. Шаҳар газ тармоғини янада яхшилаш мақсадида янгидан 17 километрлик "Бўстон" - "Чайка" газ тармоғи ишга туширилди.**

**Туман нефт базаси, Оқчакўл соҳилларидаги соғ-ломлаштириш комплекси, янги турар-жой биноларида, халқаро "Орол" болаларни соғломлаштириш мажмуаларидаги бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Шаҳар канализация тармоғининг биринчи босқичи ишга туширилди. Барча кўчаларимиз, улар бўйларида жойлашган тадбиркорлик субъектлари, ҳар бир хонадон, маданий, маиший, маъмурий бинолар капитал ва жорий таъмирдан чиқарилиб, ўзига хос рангларга бўялди. Барча марказий кўчаларни кечалари электр чироқлари нурафшон қилмоқда. "Энг яхши кўча", "Энг яхши маҳалла", "Энг саришта аёл" , "Энг обод маҳалла", "Чўл маликаси", "Бўстон гўзали" танловларини ўтказиш кўзланган мақсадларимизга эришишнинг асосий омили бўлмоқда.**

**Туманимизга ташриф буюрган барча меҳмонларимизни, серқуёш диёримизнинг бутун аҳолисини, бўстонликларни бугунги табаррук Наврўзи олам, Элликқалъанинг муборак таваллуд куни билан қутлайман. Илоҳим бу йилги Баҳорой ва Наврўзойлар ҳосилимизга барака, халқимизга шодлик, элимизга тинчлик олиб келган бўлсин. Юртимиз узра мустақиллик шабадалари мангу эсиб турсин!**

**Болтабой АЛИМОВ,**
**Элликқалъа туман ҳокимининг биринчи муовини, Бўстон шаҳар ҳокими**

# ИСТИҚБОЛНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИДА

ЭЛЛИКҚАЛЪА... Бу ном тилга олиниши билан кун сайин чирой очаётган, гуркираб ривожланиб бораётган, айниқса мутақиллик йилларида республика Президенти раҳнамолигида миллий қадриятлар қайта тикланган ҳолда XXI асрга қадам ташлаётган йирик мавзе кўз олдимизга келади.

Ёшларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар бўлиб етишлари учун туманда барча шарт-шароитлар яратилган.

Замонавий меъморчиликнинг энг сўнгги андозалари асосида барпо этилган Бўстон Академик лицейи шаҳарга узукка қош қўйгандек ярашиб турибди. Шуниси диққатга сазоворки, бу академик лицей Қорақалпоғистонда ташкил қилинган 3-академик лицей бўлса, замонавий лойиҳалар асосида қурилган биринчи академик лицейдир.

Лицей Жанубий Корея ва бошқа илғор мамлакатлардан келтирилган энг сўнгги моделдаги компьютерлар билан жиҳозланди.

*Элликқалъани устозидан ўзган шогирдга, камолга етган фарзандга, орзулари ушалаётган "қирчиллама йигит"га ўхшатгим келади. Чўлқуварларимизнинг куни тунга улаб қилган серунум, сермашаққат меҳнатлари туфайли азим саҳро бағрида бугун гулларга бурканган ҳақиқий бўстон пайдо бўлди. Мен фурсатдан фойдаланиб, бутун элликқалъаликларни, байрам билан қутлайман. Истагим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин. Дарёларимизда сув кўпайсин, ҳосилимизга барака берсин!*

**Т.ТАНГИРБЕРГЕНОВ,**
**Тўрткўл тумани ҳокими**

Элликқалъа туманидан фан оламининг кўплаб заҳматкашлари етишиб чиққан. Филология фанлари доктори, профессор Худойберган Эгамов, биология фанлари доктори Сафарбой Қабулов, иқтисод фанлари номзодлари Неъматилла Худойберганов, Олимбой Примов, тарих фанлари номзоди Тўра Қличевларнинг илмий ишлари кўпчиликка маълум.

Истиқлол туфайли қисқа давр ичида туманнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар бўлди. Дунёқарашда, меҳнат, мулкка бўлган муносабатда кескин ўзгаришлар рўй берди. Маънавий камолот ва миллий ғурур камол топди, инсоний қадриятлар, ўтмиш, тарих ва маданият қайта тикланди.

**Ҳажибай СОБУРОВ,**
**Бўстон Академик лицейи директори**

*Ўзбекистонимизнинг "Женеваси" рамзий номини олган Элликқалъа тупроғида бугун байрам, шодиёна. Ушбу қувончли кунда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон республикаси Кенгаши туман аҳлини қарияларни, ёшларни қизғин табриклайди.*

# ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МАСКАНИ

**Элликқалъа туманида 1978 йили учта ҳунар-техника билим юрти ташкил этилди. Тумандаги бунёдкорлик ишларида ишчи кадрларга бўлган эҳтиёж ортиб бораётганлиги учун "Югкаракалпаквoдстрой" тресги базасида 185-ҲТБЮ очилди. Қишлоқ хўжалиги соҳаси учун 17 та мутахассислик бўйича кўплаб, ишчи кадрлар тайёрлаб берилган бу билим даргоҳи 1985 йил 25-ўрта ҳунар-техника билим юртига айлантирилди.**

**Мустақиллигимиз шарофати туфайли, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, ёш авлод тарбиясига юртимизнинг келажаги сифатида қаралмоқда. 1995 йили 25-ўрта ҳунар-техника билим юрти касб-ҳунар лицейига айлантирилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари туманимизда ҳам ўз ечимини топмоқда. Мутахассисларга бўлган талабнинг юқорилиги боис 2000 йили лицей қайта таъмирланиб, коллежга айлантирилди ва у замонавий ўқув қуролларига, зарур ускуна ва техникага эга бўлди. Айни кунда ушбу масканда 450 нафар талаба замонавий таълим-тарбия сирларидан воқиф бўлмоқдалар. Коллеж жамоаси ўз фаолиятини янада такомиллаштириш, таълим-тарбиянинг янги услуб ва шаклларини ўқиш жараёнига тадбиқ қилиш, талабаларнинг билим даражасини дунё таълим андозаларига етказиш учун тинмай ҳаракат қилмоқда. Шу кунгача 5000 дан ортиқ мутахассислар тайёрланди ва ишлаб чиқаришга жалб этилди. Бу даргоҳда меҳнат қилаётган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси Ж.Ачилов, Р.Реймбергенов, Н.Абдуллаева, моҳир усталар З.Шунгбоева, К.Қаландаров, тарбиячи Т.Алламовалар ёшларимизнинг муносиб устозларидир.**

**Жуманазар АЧИЛОВ,**
**Элликқалъа қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори**

**Истиқлол, Наврўзим доим бор бўлсин,**
**Қуёш, ой соғ-омон, юрт нурга тўлсин.**
**Ҳамиша навқирон, қўҳна Элликқальам,**
**Истиқболинг порлаб, толеинг кулсин.**

**"Нукустутунув" акциядорлик жамияти**

**Xotira**

# ЎЗИГА ХОС МАКТАБ ЯРАТГАН ЭДИ

Инсон хотираси азиз ва муқаддас. Айниқса, уни ўлкамизга кириб келган илк баҳор кунларида, табаррук Наврўзи оламда, байрамларда эслаш, хотирлаш, ёдга олиш нақадар хайрли ва савобли ишдир. Ҳаётининг энг гуллаган фаслини Элликқалъа таълимига бағишлаган ажойиб инсонни минг афсус ва надомадлар бўлсинким, кутилмаган, бевақт ажал тенгқурлари даврасидан барвақт олиб кетди. Аммо... Мадраим Қобуловнинг хотираси у таълим-тарбия берган, йўл-йўриқ кўрсатган, маслаҳатлар берган минглаб ўқувчилар, юзлаб шогирдлари, касбдошлари, дўстлари, оға-инилари, фарзандлари қалбларида мангу яшамоқда...

Ҳа, инсон ҳаёти бу беш кунлик дунёда қанча йил яшагани билан эмас, балки ўзидан кейинги авлодларга ўчмас хотиралар қолдира олгани, у ёққан мангулик чироғининг абадий сўнмаслик даражаси билан ўлчанади. Зеро, жаҳонда қуёш нуридан бўлак шундай бир ёғду борки, бу инсоннинг бутун ҳаёт йўлини ёритиб турувчи илм ва маърифат ёғдусидир.

Мадраим Қобулов туман халқ таълими бўлимига мудир сифатида дастлабки ишни таълим-тарбия самарадорлигига эришишнинг бутун чораларини излаб топишдан бошлади. Таълим-тарбия соҳасини юрак амри деб билган, ўз касбини чин дилдан севган муаллимлар меҳнатини тўғри баҳолади. Ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берди, улар орасида устоз ва шогирдлик анъаналарини шакллантирди. Бу илм масканларини имкон даражасида дарсликлар, бошқа ўқув қуроллари билан таъминлаш ҳаракатида бўлди. Дарсларни техник воситалар ёрдамида ўтиш йўлга қўйилди. Тарбиявий жараёнга, тартиб-интизомга ўзи қаттиқ амал қилди ва бошқаларниям шу йўлдан боришга чорлади. Кадрлар масаласига алоҳида эътибор берди.

Мактаблараро мусобақалар нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар орасида ҳам ўтказила бошланди. Натижада эса, мактабларда таълим-тарбия суръати ижобий томонга кескин ўзгарди. Инсон умри жуда қисқа. Бироқ шу қисқа умри давомида Мадраим Қобулов бир эмас, бир неча инсон ҳаёти етмайдиган ишларни амалга ошира олди.

**Интизор ШОМУРОТОВА,**
**Бўстон академик лицейи талабаси**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

2002 йилнинг "Қарияларни қадрлаш йили" деб аталиши, унинг ҳаётийлигини таъминлаш мақсадида юзага келган Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу дастур амалиётига қаратилган қарори, Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг шу йўналишдаги қарорини амалга ошириш бўйича туманимизда ҳам кенгайтирилган махсус дастур яратилди. Унга асосан ёлғизларга, ногиронларга ёрдам кўрсатишнинг таъсирчан механизми яратилди ва у туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланди. Қарорни ҳаётга тадбиқ қилишда бизга овул фуқаролари йиғинлари, маҳалла кенгашлари, "Нуроний" жамғармаси туман бўлими, Қизил ярим ой жамияти ва бошқа жамоат ташкилотлари бевосита кўмак бермоқда. Айниқса, ҳомий ташкилотларнинг ижтимоий ҳимоядаги иштироклари фаоллашди. Улар ёрдамида шу кунгача 15 ногиронга махсус аравача, 42 ногиронга эса эшитиш аппарати, протез ва бошқа зарур жиҳозлар етказиб берилди. Ўтган йилда 88 нафар нафақадор, ногиронлар эса мамлакатимизнинг марказий сиҳатгоҳларида саломатликларини тиклаб қайтдилар. 36 нафар табаррук юз ёшдан ошган қарияларимиз аҳволидан доимо хабар олиб турибмиз.

*Муҳтарам юртдошлар, азиз элликқалъаликлар! Сизларни "Қорақалпоқбозор" акциядорлик бирлашмаси ўлкамиз узра ҳукм сураётган муборак Нарвўз байрами ва туман ташкил топган сана билан табриклайди. Зафар, омад доимо ҳамроҳингиз бўлсин!*

Ўлкамизда янгиланиш ва яшариш айёми кенг нишонланаётган, туманимиз ўз тўйини ўтказаётган шу кунларда ижтимоий таъминот бўлими ходимлари ҳам ногиронларга, ёлғиз яшовчи қарияларимизга ўз совға-саломларини улашишмоқда. Айниқса, қўриқни ўзлаштиришда фаол иштирок этиб, ҳозирда нафақада қарилик гаштини сураётганлардан бохабар бўлишни биз ўзимизнинг асосий бурчимиз деб биламиз.

**Бозорбой БЕКЧОНОВ,**
**Элликқалъа туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи**

*"Таълим тўғрисида" ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида мамлакатимиз иқтисодий ислоҳотларини ҳаётга татбиқ қилишда фаоллик кўрсатаётган элликқалъаликларни, бутун меҳнат аҳлини бугунги муборак кун билан самимий табриклаймиз.*

**Қорақалпоғистон республикаси касб-ҳунар таълими бошқармаси**

*Қорақалпоғистон республикаси "Маҳаллий саноат ишлаб чиқариш ва савдо акционерлик компанияси бутун элликқалъаликларни табаррук айёмлари билан табриклайди. Яратгандан туман аҳлига омонлик, ҳамжиҳатлик, боқий умр тилайди.*

*Ипакчилик шуҳратини тиклаш, дунёга танитишга астойдил интилаётган ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ПИЛЛА" АКЦИЯДОРЛИК бирлашмаси элликқалъалик "кумуш тола" ижодкорларини, тарихий сана билан табриклайди ва уларга баҳорий кайфият, жўшқинлик, баракали ҳосил тилайди.*

